# «Камолот» ёшларнинг суянчига айлана олдими?..


# Ishonch

**Insonga naf keltirish — oliy baxt**

*2008 yil 24 yanvar*
*№ 11 (2424)*
*payshanba*

**Kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi * * Gazeta 1991 yil 21 martdan chiqa boshlagan**




Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

## Бугунги сонда:


**Касаба уюшма ҳаёти**
Ишчанлик ташкилот нуфузини оширади
— 2-бет —

**Эксклюзив интервью**
Ёш авлод бирлиги йўлида...
— 3-бет —

**Қадриятларимиз**
Бойсуннинг фахри – «Шалола»
— 4-бет —

**Бўлган воқеа**
Ҳизр кўрган йигит
— 5-бет —

**Ҳаёт ва қонун**
Ҳуқуқини билган ютади
— 6-бет —

**Шунақаси ҳам бўлади**
Бир куни бир анди...
— 11-бет —

**Спорт**
Мен бахтли ўзбекман!
— 12-бет —


**Шунингдек:**

Энг қайноқ спорт янгиликлари, энг мукаммал TV дастур, сканворд ва бошқа қизиқарли мавзулар билан танишасиз.

Эксклюзив интервью

# Ёш авлод бирлиги йўлида...



***Вақт анҳорининг чорраҳасидаги ҳаёт чархпалаги бир зум тинмайди: бугунги авлод ўрнини эртага ўзгаси эгаллаб бораверади. Табиат ва жамиятнинг қонун-қоидаси шундай. Ватанимизнинг энг катта бойлиги бўлган ёшларни онгли шахс сифатида шакллантиришга бугун жуда катта эътибор қаратилмоқдаки, бу жараён замирида ҳам эртанги ҳаёт учун бугундан замин ҳозирлаш шарт эканлигига яна бир ойдин ишора мавжуд.***

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Акром АЛИМОВ билан суҳбатимизда мана шу пойдевор яна ҳам мустаҳкам бўлиши учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида кенгроқ тўхталишга ҳаракат қилдик.***

***— Ёш авлод эртанги куннинг ҳал қилувчи кучидир. «Камолот» ташкил қилинганидан буён амалга оширилган ишлар кўз олдимиздан ўтар экан, ўринли савол туғилади: у ёшларнинг суянчига айлана олдими?***

— Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Баъзан «2008 йил ёшларга бағишланди, бу йилда уларнинг кўп муаммолари ечимини топади» деган гапларни эшитиб қоламиз. Аслида эса ёшлар масаласи ҳеч қачон эътибордан четда қолмаган. Шу пайтгача йиллар турлича номланган бўлса-да, барибир, биринчи ўринга ёшлар масаласи қўйилган. Табиийки, бу йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан ҳам катта. Бугун 15.801 мингта бошланғич ташкилот воситасида 4.561265 нафар аъзони жамлаган Ҳаракатнинг бу даврдаги асосий вазифаси қабул қилинадиган қонун ва фармонларда ёш авлоднинг қизиқишлари ва манфаатларини акс эттиришдан иборат бўлиши лозим.

«Камолот» ёшларнинг суянчига айлана олдими? Бу саволга жавоб топиш учун Ҳаракат томонидан ўтган йили амалга оширилган ишларга қисқача назар ташлаш кифоя. Ҳаракат амалга ошираётган анъанавий лойиҳалар қаторидан бир қатор янгилари ҳам ўрин олди. Уларни ишлаб чиқишда бевосита ёшларнинг талаб ва истаклари асосий ўрин тутди.

Биз асосий эътиборни иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратамиз. Шу мақсадга йўналтирилган лойиҳаларимизни ёшлар яхши кутиб олишди. «Камолот» таълим гранти ва стипендияси иқтидорли талабаларни рағбатлантиришга катта ҳисса қўшаяпти. Қолаверса, ҳарбий қисм тавсияномаси билан шартнома асосида ўқишга кирган талабаларнинг шартнома пулининг 35 фоизи тўлаб берилиши ҳам «Камолот»га бўлган ишончнинг ортишига олиб келди. 2006 2007 ўқув йилида 2731 та талаба учун 487 млн. сўмга яқин маблағ тўланди. Бу йил эса 6000 дан зиёд талабага бир ярим миллиард сўмдан зиёд шартнома пули тўлаб берилиши режалаштирилаяпти.

Ўтказилаётган танловлар ёшларни ўз устида ишлашга, изланишга ундайди. Танлов баҳонасида ёшлар ўз қобилиятини ишга солишга ўрганади. Шундай танловлар орасида «Камолот» ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» ва «Янги авлод» танловларини алоҳида қайд қилиш мумкин. Уч йилдан буён ўтказилаётган «Келажак овози» ўз миқёси жиҳатидан миллий танлов даражасига эришди. 2005 йили унда уч мингга яқин киши қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони 32 мингдан ошиб кетди. Қолаверса, танлов доимий равишда такомиллашиб бораяпти. 2007 йили иштирокчилар ёш тоифаларига ажралган ҳолда беллашишди. Бу ҳам иқтидорли ёшларнинг имкониятларини оширади. Бу йилдан бошлаб танлов дастурига спорт йўналишининг киритилганлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг яна бир далилидир. Танлов ғолибларининг сони 120 тага ошиши эса ёшларда унга қизиқиш янада кучайишига хизмат қилди.

Юқорида келтирилган фикрлар қайсидир маънода «Камолот» ёшларнинг суянчига айланганини кўрсатиб турибди. Ўз навбатида ёшлар билан амалга оширадиган ишларимиз ҳали кўплигини таъкидламоқчиман. Ўтган йили Ҳаракат кўпроқ шаҳарлардаги ёшлар билан чекланиб қолаётганига гувоҳ бўлдик. Кўп ҳолларда чекка туманлардаги ёшларнинг талаб ва истаклари бизгача етиб келмаяпти. «Камолот» лойиҳалари ҳам аксарият ҳолларда марказлардаги ёшларгагина етиб бораяпти, холос. Бизнинг вазифамиз эса ана шу тўсиқни бартараф этиш, мамлакатимиздаги барча ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қўл келадиган янги механизмни излаб топишдан иборат.

***— Ҳар бир масалага ёндашилганда, албатта, кечадан келиб чиқилади. Зотан, «мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир». Собиқ тузумдаги пионер (болаларнинг коммунистик ташкилоти) ва комсомол (ёшларнинг коммунистик уюшмаси) ташкилотларини «Камалак» ҳамда «Камолот» билан таққослаб бўладими? Агар таққослаб бўлмаса, уларнинг орасида қандай тавофутлар бор?***

— Собиқ тузумдаги ёшлар ташкилоти билан «Камолот»ни умуман таққослаб бўлмайди. Бу икки ташкилот ўртасида нафақат шаклан, балки маънан ўхшашлик ҳам йўқ. Сиз тилга олган ташкилотлар сиёсийлашган бўлиб, ҳукмрон партиянинг ғоясини тарғиб қилиш билан шуғулланарди. Иш юритиш услуби ҳам партияники сингари ўта расмий бўларди.

«Камолот»нинг бу ташкилотлардан фарқли жиҳати унинг сиёсатдан холилигида. Чунки ёшлар ташкилоти сиёсатдан холи бўлиши, ёшларнинг таклиф ва истаклари асосида фаолият олиб бориши лозим. Шундагина ташкилот ёшлар орасига чуқурроқ кириб бориши мумкин. Дарвоқе, аъзолар хусусида. «Камолот» сафига ёшлар ихтиёрий тарзда қўшилади. Демак, бу ташкилотларга аъзолик борасида ҳам катта фарқ мавжуд. «Камолот» қандайдир мафкурани тарғиб қилмайди, аксинча, ёш авлодни келажакка ишонч, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади. Қолаверса, ёшлар ташкилоти турли ҳудудлардаги ёшларни бирлаштириш, дўстлик ришталарини боғлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш сингари ишларга ҳам ҳисса қўшиши шарт. Назаримда, «Камолот» ушбу тамойилларга оғишмай амал қилиб келаяпти.

***— «Бугунги ёшларнинг фикри теран». Кекса авлод шу иборани кўп таъкидлайди. Агар авлодлар алмашинуви ўта мураккаб жараён эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ёшларимизни баъзан ўз домига тортаётган шиорбозлик, «қизиллик», ялтироқ сўзларга ўчлик сингари иллатлардан халос этиш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?***

— Сиз айтаётган иллатларни бартараф қилиш жуда ҳам муҳим. Бунда биринчи навбатда ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш лозим. Бу жараёнда эса ёшларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимини шакллантириш керак. Бу тизим кўнгилдагидек ишлай бошласа, юқорида тилга олинган иллатларга ўрин қолмайди.

Шу ўринда бу иллатларнинг келиб чиқишида катталарнинг ҳам айби борлигини таъкидлаш жоиз. Истасак-истамасак, биз ёшлар учун биринчи навбатда ўрнак вазифасини ўтаб берамиз. Ёш авлод иш юритиш, ўзини тутиш сингари жиҳатларни биздан ўрганади. Шундай экан, имкон қадар ўзимиздаги шиорбозлик сингари иллатларни бартараф қилишимиз лозим.

***— Президентимиз 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилишни таклиф этар экан, ўқув юртларини битириб чиқаётган болаларнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имконият яратиб бериш масаласи ҳамон эътибордан четда қолаётганини ўринли таъкидлади. Бу борада қандай тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда?***

— Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида «Камолот»нинг ҳам ўз ўрни бор. Аммо бу муаммони ҳал қилиш биргина «Камолот»нинг зиммасидаги вазифа деб тушуниш керак эмас. Бунда давлат ва жамоат ташкилотларининг кучи, имкониятини бирлаштириш талаб қилинади. Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши дейилганда, кўпинча бандлик масаласи тушунилади. Аслида иш билан таъминлашнинг ўзи ёшларнинг барча муаммолари ҳал қилинди дегани эмас. Ёшларнинг ҳар бирини ўзига хос, бир-бирига ўхшамаган муаммолар қийнайди. Келинг, фикримни изоҳлашга ҳаракат қилиб кўрай. Масалан, кимлар учун иш топиш муаммоси биринчи ўринда туради. Бошқа бировни эса тадбиркорликни бошлашдаги турли муаммолар қийнайди. Ёшларнинг яна бир тоифасини уй-жой масаласи ўйлантиради. Юқорида келтирилган муаммоларнинг барчасини ҳал қилишда «Камолот»нинг ўз ўрни мавжуд.

Бу ҳақда гап кетганда мен биринчи галда «Бунёдкор» талабалар меҳнат отрядини тилга олган бўлардим. Тўғри, меҳнат отрядлари мавсумий фаолият юритади. Аммо уларда минглаб талабалар илк марта меҳнатнинг нонини тотиб кўрди. Меҳнат қилишга ўрганди. Ёзги таътилда ташкил этилган ушбу акцияда ўн икки ярим минг талаба мавсумий иш билан таъминланди. Талабалар йирик қурилишлардан тортиб, дала ишларигача кўмаклашди. Тошкент темирйўл муҳандислари институти, Қарши иқтисодиёт муҳандислик институти ҳамда Термиз давлат университетининг юздан ортиқ талабаси Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темирйўлида амалга оширилган бунёдкорлик ишларида иштирок этишди.

Бугунги кунда «Камолот» қошида ташкил этилаётган фермер хўжаликлари, кичик корхоналар барчага таниш. Биргина 2007 йилда 52 та фермер хўжалиги ва корхоналарни ташкил этишда бевосита иштирок этдик. Уларда 656 та иш ўрни яратилди. Айни кунларда яна 14 та фермер хўжалиги ва корхонани ташкил этиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Ўтган йили Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш имконини берди. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги оилаларнинг мониторинги ўтказилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 995 минг 228 та ёш оила мавжуд. Уларнинг 343 минг 690 таси уй-жойга муҳтож. Шу кунгача «Камолот» тавсиясини қўлга киритган ёш оилалар имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлишди. Ёш оилалар учун кўп қаватли уйларни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозир 37 та қурилиш ташкилоти билан шартнома имзоланган. Бунинг яна бир ўзига хос жиҳати бор. У ҳам бўлса қурилиш ишларига ёшларнинг ўзини жалб қилиш масаласидир. Бевосита ёшлардан тузилган 44 та қурилиш бригадаси турар жойларни бунёд этишда қатнашмоқда. Улар ўз сафига 600 дан ортиқ ёшларни бирлаштирган.

Бундай ишлар фақатгина Марказий кенгаш томонидан амалга оширилмаяпти. 2007 йили «Камолот»нинг биргина Наманган вилоят кенгаши томонидан ўтказилган 101 та меҳнат ярмаркасида 5461 киши иш билан таъминланди.

Албатта, «Ёшлар йили»да бу борадаги ишлар давом эттирилади. Ёшларнинг барча қатламларини қамраб оладиган янги лойиҳалар ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ қилинади.

***— Рост гап: «ёш авлодга нафақат ишонч билдириш, балки амалда ўзини намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак». Бунинг учун эса аввало ёшларнинг ўзида шижоат, рақобатдан чўчимаслик ва албатта ўз турими (позицияси) бўлиши шарт. Бироқ мактаб ва коллеж партасидаги боланинг «лоқайдлик», «келажакка ишончсизлик», «кичкина одамлик» каби «ўргимчак тўрлари»дан соғ-омон чиқиб олиши учун биргина кўрик-танловларнинг ўзи камлик қилмасмикан? Демоқчимизки, оила ва «Камолот» ўртасидаги ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилган?***

— Бу борада ҳам Ҳаракат ўзига хос йўл тутганини таъкидлаш керак. «Камолот» ташкил этаётган «Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари» сиз айтган муаммоларни бартараф этишда қўл келади. Улар ёшларга муаммоларни ҳал қилишни ўргатади. Шу билан бирга марказларнинг ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишда ҳам ўрни бор. Бугунги кунда республика бўйича 80 дан ортиқ ана шундай марказ бор. Улар ёшларга касб ўргатади, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқади ва бажарилишини таъминлайди. Марказлар қошида очилган ҳуқуқий ва психологик маслаҳатхоналар ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб олишида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, уларда ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Оила ва «Камолот» ҳамкорлиги тўғрисида гап кетганда, биринчи навбатда ота-оналарда Ҳаракат ҳақида ижобий тушунчани шакллантириш зарур. Қайсидир маънода бу гап эриш туюлиши мумкин. Аслида бу борадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Бугун «Камолот» тавсияси билан ипотека кредити олган ёш оилаларда биз ҳақимизда тўғри тушунча шаклланишига ва улар буни ўз фарзандларига сингдиришига шубҳам йўқ.

**Суҳбатдош:
Умид ЯЪҚУБОВ,
«Ishonch» мухбири**

Қадриятларимиз

***Ҳар гал Бойсунга борганимда янги қўшиқ, лапар эшитишга таклиф қилишади. Тоғли юрт кишиларининг қўшиқ ва куйлари, ижро услуби, авж пардалар дилда ажиб туйғулар уйғотади. Шундай дамда бу гўшанинг табиатидан тортиб, содда, самимий одамларигача, уларнинг гап-сўзлари-ю ҳаракатларининг ўзи санъат-ку деган фикр кўнгилдан кечади. Яқинда Бойсунда бўлганимда шу ерлик оқсоқол Эсон Тўраев шундай деб қолди:***

***— Бойсун одамлари ҳам табиатидек бетакрор. Улардаги бошқаларга ўхшамайдиган мардлик, тантилик бу заминнинг саховатпешалигидан нусха кўчирилгандек гўё.***

# Бойсуннинг фахри — «Шалола»

**ИЛК ҚАДАМ**

1967 йил. Ҳали Сурхондарёда кўзга кўринган бирорта ансамбл йўқ эди. Айни баҳорда Бойсун туман маданият уйи қошида «Баҳор» ансамбли ташкил этилди. Бадиий раҳбар Қаюм Абдулҳаев ва раҳматли Зикир


Архив

Умаровнинг саъй-ҳаракати билан жамоа фаолияти анча жонланди. Истеъдодларни излаб топиш ва тарбиялаш борасидаги изланишлар самарасини берди. Халил Назаров, Холиқ Хурсандов каби иқтидорли ёшлар сафга қўшилди.

Бойсунда элга танилиб улгурмаган қанчадан-қанча санъаткорлар борлиги, уларни ансамбл атрофида бирлаштириб, катта саҳналарга олиб чиқиш зарурлигини Қаюм Абдулҳаев яхши биларди. Туманнинг ўша пайтдаги раҳбари Хуррам Холиқов, маданият бўлими мудири Оллоқул Муқимов санъат аҳлидан ёрдамини аямади. Керакли мусиқий асбоблар, кийим-кечаклар олинди. Ишлар юришиб кетди.

1969 йилнинг илк баҳорида «Бойсун — менинг бешигим» дея Тошкентдан таниқли ёзувчи Шукур Холмирзаев келди. У «Баҳор» ансамбли билан тоғ этакларидаги ажойиб манзаралардан баҳра олиш учун сайрга чиқди. Йўлда кетаётиб Шукур ака ансамбл аъзоларига шундай деди:

— Санъат борасидаги ишларингиздан кўнглим тўлади. Бироқ ансамблнинг номи менга ёқмаяпти. Ахир бу номдаги ансамбл Тошкентда бор-ку. Яхшилаб ўйлаб унга Бойсунимиздек бетакрор ном топиш керак.

Ўшанда сайрга йўл олганлар жим бўлиб қолишди. Кейин бирин-кетин фикрларини айтишди. Аммо Шукур акага бирортаси ёқмади. У Бойсун тоғининг гўзал манзарасига, қорлар эриб кичиккичик жилғалар ҳосил қилиб, пастга оқиб тушишига маҳлиё бўлиб беихтиёр баланд овозда:

«Қаюм, топдим, топдим. Ансамблнинг номи «Шалола» бўлади», — деди.

**ХОРИЖГА ЙЎЛ**

Ансамблга Зиёдулла Абдуллаев, Ражаб Дониев, Шарбон Ҳамдамова, Зиёда Жўраева, Гулнора Қозиева, Пўлат Тоғаев сингари ўнлаб истеъдод эгалари келиб қўшилгач, унинг нуфузи янаям ортди. Айниқса улар ижросидаги «Яққу-яқ», «Умуфу», «Сустхотин», «Келинчак», «Хўп ҳайда» каби фолклор йўналишидаги қўшиқ ва лапарлар воҳа санъатсеварлари кўнглидан жой олди. «Бойсун мовруги», «Кўк салла», «Дучува» рақслари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Ана шундай қўшиқ ва рақслари билан «Шалола» республика миқёсида ўтказилган «Марҳабо, талантлар», «Чашма», «Ўзбекистон куйлагай» каби танловларда муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Натижада 1975 йили «Шалола»ни хорижга, Полшанинг Заканани шаҳрида бўлиб ўтадиган тоғли ўлкаларнинг VIII халқаро фестивалига таклиф этишди. У ерда Сурхон наволари янгради. Фестивалда 26 давлатдан келган ансамбллар орасида «Шалола» 2-ўринни қўлга киритди. 32 минг томошабин кўз ўнгида тантанали равишда «Кумуш болта» соврини топширилди.

Фестивалда совриндор бўлган «Шалола»чилар ўзлари билмаган ҳолда бир камчиликка йўл қўйишди. Фестивал сўнгида барча иштирокчилар «Дунё тинч бўлсин» деб номланган тадбирда қатнашишлари керак эди.

— Очиғи, бехабарлигимиз туфайли унда иштирок этмадик. Бизни ҳеч ким огоҳлантирмаган ҳам эди. Бу ўша давр учун жуда катта сиёсий хато ҳисобланарди. Ҳатто СССРнинг Полшадаги элчисига ҳам бизни бу ҳақда ҳеч ким огоҳлантирмаганини тушунтира олмадик. Ўша хатомиз боисми, орадан тўрт-беш йил ўтгач ҳам «Шалола» бирорта йирик танловга таклиф этилмади. Аксига олиб, текширишлар, аъзоларимиз билан нохуш суҳбатлар авж олди, — дейди бадиий раҳбар Қаюм Абдулҳаев.

* * *

Полша сафаридан сўнг «шалола»чилар гангиб қолмади. Аксинча, умид билан ишлайвердилар. Ўша дамларда воҳанинг толмас маърифатчиларидан бири, вилоят кутубхонаси мудири Усмон Чутбоев «шалола»чилар ҳузурига келиб, далда берди.

1980 йилда «Шалола»нинг раҳбарини вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Л.Ражабова зудлик билан ҳузурига чақирди. У юрак ҳовучлаб, яна нима айб қилдик деган хавотир билан Термизга борди. Ўша кунларни Қаюм Абдулҳаев шундай эслайди:

— Бошлиқ ҳузурига кирдим. Саломлашгач, опа менга шундай деди: «Полшада намойиш этган концерт дастурингизни тезда айнан ўшандай қилиб қайта тайёрлангизлар. Кеча мамлакат (собиқ Иттифоқ) маданият вазири Швейцарияда бўлганида телевидениеда концертларингизни кўриб қолибди. Қайтиши биланоқ Иттифоқ телевидениесига тавсия қилибди. Бу ҳақда кеча хабар келди. Эртага Москвага жўнайсизлар».

Қувончдан кўзларимга ёш келди. Бойсунга қанот боғлаб учдим. Ҳамроҳларга қувончли хабарни тезроқ етказишга шошаяпман-у, йўлда кўнглим бироз хижил тортди. Ўзга бир мамлакатда шунча йиллардан буён бизнинг дастурлар авайлаб сақлаб келинаётганда, бу ёқда тазйиқ остида юрганимиз алам қилди. Демак, халқ дурдоналарини куйлаб хато қилмабмиз. Янги дастурларимиз марказий телевидениеда намойиш этилди. Яна «Шалола» эл назарига тушди.

* * *

1987 йили Ўзбекистонда илк бор фолклор-этнографик ансамблларнинг кўрик-танлови ўтказилди. Унда Сурхондарё вилояти номидан «Шалола» иштирок этди. Танловда халқ оғзаки ижодини пухта биладиган олимлар, санъаткорлар, шоирлар ҳакамлик қилишди. Ўзлари тайёрлаган репертуардан «Шалола»чиларнинг кўнгли тўқ эди. Аммо танлов якунида 1-, 2-, 3-ўринларда ҳам «Шалола» номи эълон қилинмади. Бойсунликларнинг кўнглига қил ҳам сиғмасди.

Кутилмаганда, мўъжиза рўй бергандай, қарсак ва олқишлардан зал ларзага келди. Минбарга ҳайъат аъзоси, шоир Туроб Тўла чиқиб:

— Хайрият, хайрият. Ҳали удумларимиз, меросимиз батамом йўқолиб кетмабди! Бундан қувонмай бўладими? «Шалола» саҳнага олиб чиққан халқона оҳанглар, либосларнинг ўзи бир дунё! Чориқ ва мўкки, бойсунча «жанда» матосининг ўзи бир тарих, қалпоғи-чи, нақадар гўзал! — дея ҳакамлар ҳайъати «Шалола» учун махсус олий ўрин таъсис этганлиги ва Англия сафарига ҳам улар боражагини маълум қилди. Бу пайтда ансамблда Холиқ Хурсандов, Ҳабиб Умаров, Наим Орипов, Сайёра Қозиева, Салом Ҳусанов, Сайёра


Архив

Қосимова сингари ўнлаб истеъдодлар бор эди.

* * *

Ўша йили май ойида «Шалола» Сурхон воҳаси фахрийларига концерт намойиш этди. Худди шу ерда жамоанинг Афғонистонга ижодий сафарга жўнатилиши эълон қилинди. Жазирама ёз кунлари Ҳайратонда, сўнг афғон аскарлари ва иккита танк ҳимоясида Балх ва Мозори Шариф шаҳарларида концерт намойиш этишди.

— Келишувимиз бўйича ўн кун концерт беришимиз лозим эди, — дея хотирлайди ўша пайтдаги вилоят раҳбарларидан бўлган Тилло Менглиев. — Сездимки, маҳаллий халқнинг биз «шўравий»ларга муносабати унчалик яхши эмас. Шу туфайли ансамбл аъзоларига агар барча жойда белгиланган концертни тезроқ ўтказсак, юртга эртароқ қайтишимиз учун имкон туғилишини айтдим. Улар фикримга қўшилишди. Шу боис баъзи кунлари уч марталаб дастур намойиш этишди. Қайтар чоғимизда афғон раҳбарлари зиёфат уюштирдилар. Даврада Афғонистоннинг буюк санъаткорлари уста Баҳовуддин ҳамда Назармаҳмат ҳам ҳозир бўлиб, мароқли суҳбатлар куй ва қўшиқларга уланганди.

* * *

Жамоани олдинда яна бир чет эл сафари кутарди. Ўша кунлари Маданият вазирлигидан Карим Турсунов Бойсунга келади. У ишлар билан танишиб, суҳбатларнинг бирида шундай таклифни айтади: «Шалола»ни фолклор-этнографик дастага айлантирсак, нима дейсизлар?». Ансамбл аъзолари бир овоздан рози бўлишган. Ўша йилиёқ ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Бойсун тумани маданият уйи қошида янги «Бойсун» фолклор-этнографик халқ бадиий дастаси тузилди. Холиқ Хурсандов бадиий раҳбар этиб тайинланди. Қисқа вақт ичида «Бойсун» элга танилди. 1990 йили ёз ойларида 40 кишидан иборат «Бойсун» ансамбли Москва орқали Англияга учиб кетди. Ижодий сафар 26 кун давом этди.

— Концертларимизни томоша қилганлар тилимизни тушунмаса-да, ҳаракатларимиздан, рақсларимиздан завқланишарди. Айниқса, уч қисмдан иборат «Гулбобо» қўшиғим ижро этилганда театрлашган саҳнамиз барчани лол қолдирди. Яна «Подачи», «Ошҳалол», «Ковушим», «Ҳай ёр-ёр», «Лола», «Лолача» қўшиқларимиз кўпчиликка ёқди, — дейди ансамбл раҳбари Холиқ Хурсандов.

Сафар чоғида бойсунлик санъаткорларга доирачи Дилмурод Исломов ва раққоса Феруза Солиҳовалар ҳамроҳ бўлдилар.

* * *

«Шалола» ва «Бойсун» фолклор-этнографик халқ бадиий ансамбллари мустақиллик йиллари ҳам бир нечта кўрик-танловларнинг ғолиби бўлдилар. Улар 2004 йил октябр-ноябр ойларида Парижда Ўрта Осиё маданияти кунларида қатнашди. Французлар ўзбекча куй-қўшиқларни илиқ қарши олишди. Бугунги кунда ушбу ансамбллар қошида «Қуралай» болалар фолклор-этнографик дастаси ташкил этилган.

«Бойсун баҳори» халқаро фолклор фестивалига ҳам «шалола»чилар асос солган. Улар ўз элининг урф-одатлари, анъаналари, яшаш тарзини кўз қорачиғидай авайлаб-асраб келмоқда. Шундай фидойи юртдошларимиз билан фахрланамиз.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

Сарҳадлар оша...

# ВахшиВор илонлар макони бўлган(ми)?..



*1*

***Кўплар айтди қишлоғим ҳақда***
***Илонларга макон бўлган деб.***
***Қамчи янғлиғ оппоқ бир илон***
***Вахшиморга ҳоқон бўлган деб.***
***Билолмадим, ривоят ҳақми***
***ё ноаниқ нисбий тушунча?***
***Кўп изландим, ўйландим, токи***
***шу жумбоқни англаб етгунча...***

**2**

Вахшивор — Сурхон воҳасининг энг хушманзара ва сўлим гўшаларидан бири. Шу боис бу қишлоқни Сурхоннинг Кавкази дейишади. Денгиз сатҳидан қарийб 5000 метр баландликда жойлашган, шимол тарафини осмонўпар қоялар ва минг йиллик воқеликка гувоҳлик берувчи арчазорлар ўраб турадиган Вахшивор ғарб томондан Чинор, шимоли-ғарбдан Бодиҳаво, шарқдан Лўкка, шимоли-шарқдан Куёвсув, жануб томондан эса Тўхтамиш қишлоқлари билан чегараланади. Қишлоққа асосий йўл Хўжасоат қишлоғи орқали киради. Иқлими ўзгарувчан Вахшивор шифобахш кўкатларга бой қишлоқ. Унинг қирларида суялаб, сумбула, кийикўт, алқор, равоч, ҳаррон, тоғ райҳони, анзур пиёзи ва бошқа доривор кўкатлар ўсади.

Қишлоқ икки қисмдан иборат бўлиб, улардан бири Каттавахшивор, иккинчиси Кичиквахшивор деб юритилади. Бу икки қишлоқни Вахшивор дараси қоқ иккига бўлиб туради. Кунчиқар тарафи Кичиквахшивор, кунботар тарафи эса Каттавахшивордир. Бу икки қишлоқни икки авлиё — Хожа Мавлонои Зоҳид ва Сўфи Оллоёр макон тутган экан.

**3**

Вахшивор сўзининг луғавий маъноси жуда баҳсли. Хусусан, уни «даҳшатли макон» (вахш — даҳшат, вара — макон), «одам оёғи етмаган қир» (вахш — кимсасиз, вар — қир) тарзида таржима қилишади. Тарихчи Б.Кармишова эса «Очерки этнический истории южних районов Таджикистана и Узбекистана» китобида шундай ёзади: «С.Толстов эътиборимни Вахшивор номининг эфталитлар ҳукмдори Вахшунвар исми билан тўла мос келишига қаратди». Кўриниб турибдики, олим мазкур қишлоқ номи илк ўрта асрларда икки дарё оралиғидаги ҳудудга бостириб келган эфтал (айрим манбаларда, хетал, хафтал) қабиласининг сардори Вахшунварнинг номи билан шаклан ўхшашлигини таъкидляпти. Тўғри, эфталитлар Чағониён билан Баҳористонни-да забт этгани тарихдан маълум, аммо барибир бу фараз жуда мавҳум. Нима бўлган тақдирда ҳам Вахшивор қишлоғида ҳаётнинг пайдо бўлиши анча қадимга бориб тақалади. Тоғлар бағридаги эритилган металл қолдиқлари, қабристон бўлган жойларда ер юзасига чиқиб турган одам суяклари, ер остидан ўтган сопол қувурлар қолдиғи бунга далил бўла олади. Яна бир тахмин эса 1956 йили Вахшиворга келиб бир муддат истиқомат қилган ленинградлик машҳур олим Д.Логофетга тегишли. Унинг эътироф этишича, бундан минг йиллар бурун Вахш водийсидан Ҳазрати Вахшиворий деган шоир бу ерга келиб яшаган. Ҳаёти софлик ва ҳалоллик билан йўғрилган ул зот ўлими арафасида атрофидагиларга «жасадимни Вахшиворнинг энг баланд қирига дафн этинглар» деб васият қилган экан. Ҳозир ҳам Вахшивор тоғларидаги Чорбоғ қирида Ҳазрати Вахшиворийга нисбат бериладиган қабр жойлашган.

Вахшивор билан боғлиқ энг машҳур афсона шарқ тасаввуф адабиётининг етук намояндаси Сўфи Оллоёр билан боғлиқ. Тарихий китоблардан маълумки, 1625 йили Самарқанднинг Каттақўрғон туманида, Оқдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган Минглар қишлоғида дунёга келган Оллоёрбек то тақво йўлини тутгунга қадар қамчисидан қон томадиган ўлпончи бўлган экан. Оддий халқ Оллоёрбек номини эшитса, даҳшатга тушаркан. Бир куни кўприкдан дабдаба билан ўтаётган Оллоёрбек разм солса, кўприкнинг юқори қисмидаги сув ранги — кўк, қуйиси эса — қип-қизил. У таажжубланиб, бунинг сирини аниқлашни буюрибди. Шотирлари кўприк остига тушиб қараса, ой-куни яқин бир аёл қўрқувдан дағ-дағ титраб...

Бу ҳолат Оллоёрбекка қаттиқ таъсир қилади ва у барчасидан кечиб Ҳабибуллахон эшонга мурид тутинади. Йиллар давомида тариқатнинг машаққатли йўлларини босиб ўтган Оллоёрбек Сўфи Оллоёр даражасига етади...

...Ва кўч-кўронини йиғиштириб, жануб томонларга қараб йўлга тушади. Ул зот то Чағониён ҳудудига келгунга қадар Шаҳрисабзда (айрим манбаларда Деҳқонободда), Қабодиён беклигида (ҳозирги Тожикистонда жойлашган) бир муддат истиқомат қилади. Алал-оқибат Чағониён тоғлари у кишининг кўнглига мос келгач, осмонга туташ чўққилар томон йўл солади. Ҳозирги Кичиквахшивор ҳудудида Хожа Мавлонои Зоҳид исмли эшон ўтов тиккан экан. Сўфи Оллоёр у киши билан суҳбатлашгач, эшондан Каттавахшиворга ўтишини илтимос қилади. Аммо Мавлонои Зоҳид, гарчи ёши улуғ бўлса-да, Сўфи Оллоёрнинг илмини ҳурмат қилган ҳолда у кишининг Каттавахшиворга ўтишини сўрайди. Шунда Сўфи Оллоёр «Агар мен тўрга ўтар бўлсам, зиёратим учун келган кишилар аввало сизни зиёрат қилишсин» деган экан.

Сўфи Оллоёр дастлаб Вахшивор дарасига келганида унга моғиёнийлар халифаси, шунингдек, асли қашқадарёлик бўлган ака-ука Ниёзбоқилар ҳамроҳлик қилишган. Лекин Сўфи Оллоёр макон тутиб келган жойда одам яшамас, балки Вахшиморнинг бутун ҳудуди... ғиж-ғиж илон экан. Ҳозир Вахшивордан Бодиҳаво қишлоғига ўтиладиган дарада Морхона деган жой бор. Айнан шу ер илонларнинг саройи бўлган эмиш. Қамчи ўрамидай кўринишдаги оппоқ бир илон бу ҳудуднинг ҳукмдори бўлган экан. Узоқни кўзлаган Сўфи шоҳи ипакка мактуб битиб, уни муриди кичкина Ниёзбоқига тутқазиб, Морхонага жўнатади. Хатда илонлар подшоҳига хитобан «сенинг жойинг Говургон» дея битилган экан. Халифа мактубни Морхонадаги тош супа пойига ташлаб келади. Ва... илонлар Вахшимордан йўлга чиқиб Боботоғ ҳудудидаги Говургонга қараб жўнашади. Бу воқеа тахминан 1710 йили содир бўлган (шу ўринда таъкидлаш кераккי, бугун даҳшатли илонлар айнан Говургон чангалзорида бор эмиш.) 1713 йили эса Сўфи Оллоёр бу қишлоқда масжид қурдиради. Бугунга қадар Вахшивор қишлоғида Сўфи Оллоёрнинг этагини тутиб келган муридларнинг авлодлари — ўзларини ургутилар, моғиёнилар, эронилар, тоғчилар, ўшорилар сингари уруғларга мансуб деб ҳисобловчи одамлар истиқомат қилишади. 1721 йили шу қишлоқда қазо қилган Сўфи Оллоёрнинг шу кунгача яшаган авлодларининг шажараси қуйидагича: Сўфи Оллоёр — Сиддиқ Муҳаммад — Хўжакалон — Эшонхўжа — Халил эшон — Умархон эшон — Музаффархон эшон. Еттинчи авлод вакили Музаффархон эшон бугун айнан Вахшивор қишлоғида яшайди.

**4**

Вахшиворнинг тарихи ҳали ҳам тилсим. Хусусан, то Сўфи Оллоёрга қадар бу ерда яшаган одамлар тарихи жумбоқлигича қолаяпти. Аммо бугун ушбу қишлоқда истиқомат қилаётган жамоат гарчи Сурхоннинг туб аҳолиси бўлмаса-да, уч томони тоғлар билан қуршалган Вахшиворда илдиз отиб, палак ёйишди.

**Меликул ХАНЖАР**

Бўлган воқеа

# Хизр кўрган йигит



***Абдужаббор очиққўнгил йигит. Ишонувчанлиги боис панд еб қолган пайтлари кўп бўлган. Кекса бувисининг ривоятларини кўп эшитганлиги туфайли ғойибдан келадиган омадга ишонади. Бу омад деганлари унча-мунчага тутқич беравермас экан. Абдужабборга доим чап беради. Бувиси эса набираларига эртак сўзлайди. Ўрта яшар Абдужабборнинг ҳам қулоқлари динг. Қишда сандалга оёғини тиқиб, эртак тинглайди. Бекорчи эмасми, уззу-кун аҳвол шу...***

— Бир камбағал йигит бўлган экан, — дея бошлайди буви. Бир куни ўтинга чиқибди. Иши ҳеч бароридан келмабди. Қўли калталигидан бир дарада эзилиб ўтирган экан, қаршисида оппоқ соқолли қария пайдо бўлибди...

Абдужабборни хаёл олиб қочади. Қанийди унга ҳам учраса. Бир зумда Абдужаббор бойваччага айланарди.

Оқтов этагида катта ҳовуз бор. Қишлоқ одамлари кечқурун ариқни шу ҳовузга ўнглайди. Ҳовуз сувга тўлгач, томорқаларини суғоришади. Навбат Абдужабборга келганида каллаи саҳарлаб ҳовузга жўнади. Сервиқор тоғдаги дара сокин. Сукунатни қурбақа ва чигирткаларнинг ялласи бузади. Атрофда ҳеч зоғ йўқ. Ҳовузга етиб борган Абдужабборнинг сал юраги увишгандек бўлди. Ҳали қоронғилик пардаси кўтарилмаган. Ариқларни ўнглаб, қувур беркитилган мосламани суғуриб олди. Сувнинг шалдираши атрофни тутди. Хайрият, энди сув ёқалаб кетсам ҳам бўлади деган ўй ўтди кўнглидан. Жойидан жилган эди, ғира-ширада кўзи бировга тушгандек бўлди. Шарпа у томон оҳиста одимлаб келарди. Абдужаббор бутун диққатини кўзларига жамлади. Оқ яктак кийган оппоқ соқолли нуроний. «Ё тавба, — кўнглидан ўтказди йигит. — Худди бувим айтган чолга ўхшаркан». Ҳаяжонини зўрға босиб турган Абдужаббор салом берди. «Ваалайкум ассалом», — деди нуроний. Ҳуши бошидан учган Абдужаббор каловланиб қолди. Нима қилиш керак эди? Бувисининг эртакларини эсга олди. Бош бармоғини яхшилаб эзғилаб сўраса, муроди ҳосил бўлади. Отахон томон шахдам одимлаб борди. Қўл узатганди, у ҳам қўл берди. Худди ўзи. Бош бармоғини панжалари орасига олиб эзғилай бошлади. Нуроний тилга кирди: «Тила тилагингни».

Абдужаббор эртакдаги ўтинчининг тилакларини айтди:

— Давлат, фарзанд, умр беринг!

Омин дея қўлини узиб олишга интилди отахон. Аммо Абдужабборнинг темир панжалари бўшамасди. Юзига келиб тушган шапалоқдан йигитнинг кўзлари мошдек очилиб кетди.

— Қўлни синдирай дедингку, аҳмоқ.

«Э, бу ким бўлди экан?» деган ўй босди Абдужабборни. Қўлларини бўшатиб узр сўраган бўлди. Аммо бу таниш чеҳрани қаердадир кўрган...

...Икки қишлоқ нарида яшовчи Мажид чолнинг йилқилари бормай қолади. Отахон уларни бир неча бор шу ҳовуз бўйида сувлаб қолганида ҳайдаб кетган экан. Ўша куни ҳам каллаи саҳарлаб йилқилар ёйилмасдан ҳовуз бўйига келади. Сув очаётган йигитни кўради. Унинг сирли саломи ҳазилкаш чолни ҳушёр тортиради. Унинг оқ яктак-иштонига, қиров қўнган соч-соқолига ҳайратланиб қараши кўнглига қувлик солади. Соддадил йигит эса астойдил ролга кириб кетган.

— Энди, Мажид бобо, узр, — дейди Абдужаббор бирпас кулиб олгач. — Гап шу ерда қолсин. Бир ҳазиллашдик-да.

Барибир, Мажид чол ваъдасида туролмади. Бир даврада шайтон қитиқлаб воқеани айтиб қўйди. Бу гап одамларнинг гурунгидан-гурунгига ўтиб Абдужабборларнинг қишлоғига ҳам етиб келди. Одамлар гуррос-гуррос кулиб юришди. Ҳануз хонаси келганда ҳамқишлоқлари Абдужабборнинг қитиқ парига тегиб қўйишади.

**Нурулла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Ҳаёт ва қонун

## Интизомий жазо

***Хабарим йўқ, менга интизомий жазо беришибди. Шу тўғрими?***

**А.САЛОМОВ,**
**Касби тумани**

**Меҳнат Кодексининг 182-моддасига мувофиқ интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.**

**Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.**

**Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.**

**Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ ходимга маълум қилиниб, имзо қўйдириб олинади.**

## Қўшимча таътил

Йиллик қўшимча таътиллар кимларга берилади?

**Х.ШОАЛИМОВ,**
**Фарғона шаҳри**

***Меҳнат Кодексининг 136-моддасига мувофиқ қўшимча таътиллар:***
***— меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга;***
***— оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитларида иш бажараётганларга;***
***— меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади.***

## Пенсия олиш ҳуқуқи

Шифохонамиз бош ҳамшираси пенсияда бўла туриб бир ярим ставка иш билан таъминланган. Шу тўғрими?

**М.РАСУЛОВ,**
**Пойариқ тумани**

***1995 йил 20 декабрда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»га кўра, 1999 йил 1 июлдан бошлаб ёшга доир пенсия оладиган аёлларга, агар улар ўрта ва кичик ходим сифатида ишлайдиган бўлсалар, тўлиқ ҳажмда пенсия олиш ҳуқуқи сақланиб қолинади.***

***Қонун ҳар жабҳада мезон. Уни пухта ўрганиш ҳаёт талаби. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳақ-ҳуқуқи ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшма сардори ҳар жиҳатдан ибрат бўлиши даркор. Хўш, амалда етакчилар шу талабга жавоб бера олаяптими? Уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги қай даражада? Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси баъзи фаолларининг шу хусусдаги фикри билан қизиқдик.***

## Ҳуқуқини билган ютади

***Абдуҳамид САИМОВ, бирлашма ҳуқуқшуноси:***

— Қонунни билган қоқилмайди. Биз жамоат ташкилоти вакилларининг билимларини ошириш мақсадида мунтазам равишда семинарлар ташкил этаяпмиз. Яқинда ЎзКУФК ҳуқуқий бўлими мудири Абдусалом Рисқуллаев иштирокида навбатдаги ўқув семинарини ўтказдик. Унда энг долзарб мавзулар тилга олинди. Чунончи, шу йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет ташкилотида ишлаб, болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича онага ойлик нафақа фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали тўланиши тартиб-қоидалари хусусида батафсил тушунча берилди. Меҳнат муносабатлари, иш ҳақи тўлови, таътил ва шунга ўхшаш долзарб мавзуларда фикр юритилди.

Тан олиш керак, аксарият ҳолларда иш берувчилар хатога йўл қўяди. Ачинарли томони шундаки, маъмуриятга хатосини тан олдириш мушкул. Бир мисол келтирмоқчиман.

Зармитан геология қидирув экспедицияси ишчиси Пардабой Дўстматов касаба уюшмасидан мадад сўради. Аризани ўрганганимизда аниқланишича, унга ўтган йилнинг 1 майидан 4 июлга қадар меҳнат таътили берилган. Бу ҳақда маъмуриятнинг 122-буйруғи мавжуд. Бирйўла икки йиллик таътил давомида у 22 майдан 11 июнгача ва 30 июлдан 11 августга қадар даволанган. Бу ҳақда касаллик варақалари бор. Шу боис таътил узайтирилиб, у 4 июлда эмас, балки 13 августда ишга чиқиши лозим эди. Пардабой Дўстматовни ишга қўйишмайди. Сабаби, у ишлаб келаётган лавозим қисқариб кетган эмиш. Ваҳоланки, Меҳнат Кодексининг 9-моддасида, корхонанинг ички меҳнат қоидаларида ҳам «Барча ходимларга... иш жойи сақланган ҳолда таътил берилади» деб ёзиб қўйилган. Қонунга зид ҳолатни бартараф этишни корхона раҳбарлари исташмаяпти.

***Саид ТОҒАЕВ, бирлашма маданий-маърифий ишлар бўлими ходими:***

— Таътил масаласидаги муаммолар бор гап. Айрим ходимлар йиллаб таътилга чиқишмайди. Айниқса, баъзи қўшма корхоналарда бу масалага панжа орасидан қараб келинаяпти. Касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилишни истамасликлари ҳам шундан. Уларда меҳнат муҳофазаси, хавфсиз иш шароитини яратиш, ходимларни дам олдириш, соғломлаштириш аҳволи қандай? Бу ҳақда ким қайғуради? Агар кўнгилсиз ҳодиса содир бўлса, ходимнинг оиласини ким ҳимоя қилади? Масаланинг бу жиҳатларини ҳам ўйлаб кўриш керак.

***Шодиёр ТЎҚСОНОВ, ижтимоий ҳимоя бўлими мудири:***

— Меҳнаткаш манфаати устувор. Кўп ҳолларда иш берувчилар таклифларни ижирғаниб қабул қилишади. Айниқса, ойлик маошларни ўз вақтида беролмаётганлар жуда оғринади. Ваҳоланки, ишчи ўзи кимники? У кўпроқ шу жамоа ютуқлари учун хизмат қилмайдими? Ишдан, оиласидан кўнгли тинч одамгина бор имкониятини ишга солади. Биз ҳар бир бошланғич ташкилотни бу борада муросасиз бўлишга ундаймиз.

***Раҳмат МАҲМУДОВ, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пойариқ туман кенгаши раиси:***

— Меҳнат муҳофазаси — умр фойдаси. Иш берувчилар билан умумий тил топаяпмиз. Қатор таълим даргоҳларида алоҳида касб эгаларига шароит яратиб бераяпмиз. Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти саъй-ҳаракати билан мактабдан ташқари фаолиятдан топилган маблағ ҳисобидан уларни хавфсизлик воситалари билан таъминлаймиз. Излаган имкон топади. Интилишимиз зое кетмаяпти. Касаба уюшмаларининг нуфузи, меҳнати самараси ана шуларда намоён бўлади.

**Мулоқотни Н.ШАМСИЕВ ёзиб олди**

## Сохтакорлик панд берди

***Икковининг ҳам жамоада яхши обрўси бор эди. Бироқ улар сохтакорликка қўл урди-ю, қинғир иши фош бўлиб, бошлари эгилди.***

***Раҳмонали Сафаралиев Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармасининг техника назорати бўлимида ишлаб келаётган эди. У 2007 йили бир неча бор хизмат сафари билан Сирдарё вилоятига келди. Сафар пайтида Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасининг меҳмонхонасида бир кун ҳам яшамаган бўлса-да, Сирдарё махсус кўприкларни ихтисослаштириш пудрат фойдаланиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ҳакимжон Абдураҳмонов ёрдамида гўё март, апрел, май ойларида шу ерда яшаганлиги ҳақида ҳужжат тайёрлади.***

***Р.Сафаралиев шу тариқа қалбакилаштирилган 660 минг сўмлик меҳмонхона чипталарини хизмат сафари учун берилган харажатларни ёпиш мақсадида Республика йўл жамғармаси бухгалтериясига топширди. Аммо ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан олиб борилган текширувлар жараёнида бу қинғирлик фош этилиб, айбдорлар қилмишларига яраша жазосини олдилар.***

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

## Солиқ қонунчилиги: ўзгариш ва қўшимчалар

***2008 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида маълумот берсангиз.***

***Б.НОРЧАЕВ,***
***Зангиота тумани***

*Президентимизнинг 2007 йил 11 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2008 йил асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари тўғрисида»ги қарори билан 2008 йилда солиқ қонунчилигига бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра:*

►фойда солиғи бўйича 2008 йил учун юридик шахсларга солиқ ставкаси 10 фоиз этиб белгиланди, яъни ўтган 2007 йилдаги солиқ ставкаси нисбатан ўзгаришсиз қолди.

►Сув солиғи бўйича солиқ ставкаси ер усти сувидан фойдаланганлик учун 2007 йилга 14,40 тийинни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 17,30 тийинни ташкил этади, яъни 1,5 бараварга кўпайди.

►Мол-мулк солиғи бўйича юридик шахслар учун солиқ ставкаси 3,5 фоиз бўлиб, 2007 йилдаги солиқ ставкаси сақланиб қолинди.

►Инфраструктурани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ ставкаси 8 фоизни ташкил этиб, 2007 йилдаги солиқ ставкаси сақланиб қолинган.

►2007 йилдаги йўл жамғармаси ажратмасининг ставкаси ҳам 2008 йилда сақланиб қолинган.

►2007 йилдаги мактаб таълимини ривожлантириш ажратмасининг ставкаси 1 фоизни ташкил этиб, ушбу ставка 2008 йилда сақланиб қолинган.

►2007 йилда пенсия фондига мажбурий ажратманинг ставкаси 0,7 фоизни ташкил этиб, ушбу ставка жорий йилда 1 фоизни ташкил этади.

►Ягона ижтимоий тўлов бўйича 2008 йил учун юридик шахсларга тўлов ставкаси 24 фоиз этиб белгиланди, яъни ўтган йилга нисбатан ўзгаришсиз қолди.

►2007 йил 1 январдан бошлаб касаллик варақаси харажатлари корхона ҳисобидан тўланиши кўзда тутилган, унда фойда солиғи тўловчи юридик шахслар солиқ солинадиган фойдадан ушбу касаллик варақаси харажатларининг чегирилиши кўзда тутилган эди, ушбу тартиб 2008 йилда ҳам сақланиб қолинди.

►2007 йилдаги қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоизни ташкил этиб, ушбу солиқ ставкаси жорий йилда ҳам сақланиб қолинган.

►2007 йилдаги дивидент солиғининг ставкаси 10 фоизни ташкил этиб, ушбу солиқ ставкаси 2008 йилда сақланиб қолинди.

►2007 йилдаги иш ҳақидан мажбурий суғурта тўлов ставкаси 2,5 фоизни ташкил этиб, ушбу тўлов ставкаси 2008 йилда ҳам сақланиб қолинди.

►2007 йил 1 январдан бошлаб чакана савдо корхоналари учун 100 минг ва ундан ортиқ аҳоли яшовчи ҳудудда жойлашган корхоналар учун 4 фоиз ставка, бошқа ҳудудда жойлашган чакана савдо корхоналари учун 2 фоиз ставка, тоғли ва бориш қийин бўлган ҳудудда жойлашган чакана савдо корхоналари учун 1 фоиз ставка белгиланган.

►Умумий овқатланиш корхоналари учун 10 фоиз солиқ ставкаси белгиланган, шундан мактаб ва махсус интернатларда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари учун 8 фоиз ставка жорий этилган.

►Улгуржи савдо корхоналари учун 2008 йил учун 5 фоиз солиқ ставкаси жорий этилган.

►Ягона солиқ тўлови бўйича 2008 йил учун юридик шахсларга солиқ ставкаси 8 фоиз этиб белгиланди, ушбу солиқ бўйича 2007 йилда солиқ ставкаси 10 фоизни ташкил этган. Нотариал идоралари учун 50 фоиз солиқ ставкаси белгиланган.

►Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкаси 6 минимал иш ҳақи миқдоригача 13 фоиз, 6-10 минимал иш ҳақи миқдоридан ортиқ қисмига 18 фоиз, 10 минимал иш ҳақи миқдоридан ортиқ қисмига 25 фоиз солиқ ставкаси белгиланди.

►Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ягона ер солиғи ставкаси норматив қийматдан 2,8 фоиз этиб белгиланди.

**Нажмиддин ЭРНАЗАРОВ,**
**Бўстонлиқ тумани ДСИ бўлим бошлиғи**

Шунақаси ҳам бўлади

# Бир куни бир анди...

Америка полициясига ҳар тўрт секундда ўғирлик, ҳар ўн уч секундда қулфни бузиб содир этилган ўғирлик, ҳар ўттиз тўққиз секундда босқинчилик ҳақида сигнал тушади. Бир қараганда кишида бу мамлакат жиноятчилар макони экан-ку деган тасаввур пайдо бўлади. Бунинг сабаблари кўп. Уинстон-Сэйлем шаҳрида яшовчи полиция офицери Кен Слюсарскининг фикрига кўра жиноятларнинг 95 фоизи оддий инсоний аҳмоқлик туфайли содир этилади. Ушбу фикрнинг исботи сифатида у кўп йиллар мобайнида полиция амалиётида учраган қизиқарли воқеалар ҳақида маълумот тўплаган. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



## Тушми ё?...

Дублинлик Гэвин Коул киссасига уч пакетча героин яширган ҳолда автобусга чиқди. Одатда бу тоифадаги одамлар жуда эҳтиёткор бўлишади. Аммо нимагадир Коул ўриндиққа ўтириши билан атрофидагиларга эътибор ҳам бермай чўнтагидаги «ўйинчоқ»ларни олиб ўйнай бошлади. Унинг қаршисида эса полициянинг гиёҳвандликка қарши кураш бўлими офицери фуқаро кийимида ўтирарди. Бир пайт Коулнинг қўл телефони жиринглаб қолди ва у бамайлихотир шундай деди: «Дори менда. Бекатда учрашамиз. Соққани унутма!».

Ишдан қайтаётган полициячи қулоқларига ишонмасди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Иши юришаётганидан кайфи чоғ бўлган Коул автобусдан тушгач, марихуана ҳам чекиб олган.

## Қўрқув

Питсбургда бир неча йилдан бери қидирувда бўлган ўғри қўққисдан 911 рақамига қўнғироқ қилиб, шошилинч ёрдам хизмати ходимларидан титраб-қақшаганча ўзини ҳибсга олишларини сўради. Маълум бўлишича, хонадон эгалари уйга ўғри тушганини сезиб қолишган. Бу ҳудуд асосан ишчилар яшайдиган туман эди, ўғри қамалиб олган хона эшиги олдида эса уни хумордан чиққунча калтаклаш учун бутун квартал тўпланган.

## «Хавфли» қурол

АҚШнинг Флорида штати Лейк-Сити шаҳрида яшовчи йигирма яшар Ли Жохимминнинг ўқотар қурол сақлашга рухсатномаси йўқ эди. Шу боис у уйидаги электр аррадан босқинчилик қуроли сифатида фойдаланишга қарор қилди.

У «Говард Жонсон» меҳмонхонаси маъмурининг хонасига бостириб кириб сейфни очишни ва ундаги бор нарсаларни беришни талаб қилганида, қизнинг ажаблантириб меҳмонхона хизматчилари мутлақо қўрқишмади. Сими ерда чувалашиб ётган электр аррани таҳдид билан қиличдай ўйнатаётган қизга қараб маъмур базўр ўзини кулгидан тўхтатиб турарди.

«Афтидан, — дейишди кейинроқ полициячилар, — бу қиз арра электр тармоғига улангандагина хавфли қуролга айланиши ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган».

## Эзгу орзу

Техас штатида яшовчи Эдвин Гайнор оддий одамларнинг осойишталигини қўриқлаш ниятида полициячи бўлишга қарор қилди. Полиция участкасига келиб мақсадини баён қилган эди, унга тўлдириш учун анкета қоғозини беришди. Анкета саволлари орасида «Сиз қачонлардир жиноят содир этганмисиз?» деган сўров ҳам бор эди. Ростгўй жаноб Гайнор «ҳа» деб жавоб берди. Бунинг устига у қачон, қаерда ва қай тарзда жиноят содир этганини аниқ баён қилди. Умуман олганда Гайнор тўрт марта майда ўғирлик қилиб, бир марта автомобил олиб қочган экан. Шунингдек, у жиноят содир этаётганда кийган кийимларини ҳам тасвирлаб берган эди.

Осойишталик посбонлари жаноб Гайнорнинг жавобларини ўқиётганда ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Жиноятчи қилмишларига бу тарзда иқрор бўлиши уларнинг хаёлига ҳам келмаган эди-да.

Полициячилар дастлаб Гайнор ўйин қилаяпти деб ўйлашди, лекин ҳар эҳтимолга қарши олинган маълумотларни текшириб кўришганда «бўлғуси полициячи»нинг гаплари рост бўлиб чиқди. Турган гапки, унинг эзгу орзуси амалга ошмади, аксинча, турмага тиқишди.

## Ҳазилкаш

Англиялик бир ҳайдовчи йўлда тезликни меъёридан оширганлигини автоматик радар қайд этган эди. Кўп ўтмай унга полиция дан почта орқали қирқ фунт-стерлинглик жарима квитанцияси ва ўз автомобилининг сурати келди. Ҳайдовчи ҳазилкаш экан шекилли, пулни тўлаш ўрнига полицияга қирқ фунт-стерлингнинг расмини жўнатди.



Бир неча кундан кейин унга яна хат келди, бу сафар конвертда фақат кишаннинг сурати бор эди. Ушбу суратнинг бадиий кучи қай даражада эканлигини жарима ўша куниёқ тўланганидан ҳам билиб олиш мумкин.

## Оч қоринга ўғирлик

Чикагода бўлган воқеа ҳам аҳмоқона жиноятлар сирасига киради. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. «Макдоналдс» ходимлари емакхонани ёпишга тайёрланаётган бир пайтда икки киши бостириб кириб, кунлик тушум ва олтита гамбургер беришни талаб қилишди. Пулни дарҳол беришди, таомни иситиш учун эса печкани қўшиш керак эди. Барчани ажаблантириб босқинчилар кутишга рози бўлишди. Саноқли дақиқалар ичида ташқарида полиция машинасининг сиренаси эшитилганда эса улар пулни унутиб, гамбургерларни олганча қочишга тушишди. Полициячилар уларни тутишганда жиноятчиларнинг қўлидаги гамбургерлар бусбутун турарди. Насиб қилмаса қийин-да.

## Аҳмоқ мижоз

Канаданинг Питерборо шаҳрида яшовчи йигирма олти ёшли Жерald Диксон суд томонидан авф қилинди. Чунки унинг адвокати ўз мижозининг ўтакетган аҳмоқлигини айбни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатган эди.

Ҳимоячининг нутқи қисқа бўлди: «Менинг мижозимни ақлли деб ҳисоблаш мумкин эмас. У Монреал банкининг Уитби шаҳридаги бўлимини тунашга қарор қилганида август ойида дўкондан чанғичилар шлемини сотиб олган кишини сотувчи эслаб қолиши хаёлига ҳам келмаган. Бунинг устига у шлемни ўша заҳоти кийиб олган. Эс-ҳуши жойида бўлган ҳар қандай киши чанғичилар шлемини кийиб олган одам банкни талаганини эшитган сотувчи шубҳали харидор ҳақида полицияга хабар беришини, ўз навбатида улар дўкондаги кузатув камераси орқали тезда Диксоннинг шахсини аниқлашини билган бўлур эди. Лекин, жаноб судья, мижозимнинг аҳмоқлиги бу факт билан чекланиб қолмаган. Банкни талаганидан бир неча соат ўтгач, у ўз номига ҳисоб рақами очиш учун яна шу банкка қайтиб келган. «Ҳисобингизга қанча пул қўймоқчисиз?» деган саволга эса кассир бир неча соат олдин 2600 доллар солиб берган сумкани кўрсатиб, «2600 доллар нақд пул, ҳоним» деб жавоб берган».



Суд адвокатнинг фикрини инобатга олди.

## Ухла, қўзичоғим, ширин тушлар кўр...

Детройтдаги ҳашаматли ҳовлилардан бирининг дарвозаси олдида бир аёл машинасининг багажига чамадонини жойлаётганини кўрган квартира ўғриси омадим келди деб ўйлади. Чамаси аёл бир неча кунга қаёққадир кетаётган эди.

У кетгач ўғри уйга кириб, шошилмасдан қимматбаҳо нарсаларни тўплади, обдон қорнини тўйдирди, вино ичди ва кановатга ётиб... ухлаб қолди.

Кутилмаганда хонимнинг хизмат сафари бекор қилинди. Уйига келса «чақирилмаган меҳмон» бор. Кўп ўтмай уни полициячилар уйғотишди.

## Шошганда лаббай топилмас

Қирқ ёшли Грегори Харланд-Уайт Санта-Клаус (Қорбобо) кийимини кийиб, Тасмания (Австралия)даги банкни тунамоқчи бўлди. Пухта режа тузиб, банк ёнидаги дўкондан керакли нарсаларни сотиб олди. Иккита қувур бўлагидан тўппонча «ясади», банкка бостириб кирди. Кассирларга таҳдид қилиб 13.451 Австралия долларини қўлга киритгач, қочиш ҳаракатига тушди. Аввалдан тайёрлаб қўйилган усти ёпиқ араванинг олдига югуриб бориб, унда ечинди ва шу яқин атрофда қолдирган велосипеди томон чопди. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиши мумкин эди, агар бечора босқинчи Санта-Клауснинг кенг чолворини ечишни унутмаганида. У билан эса велосипедни ҳайдай олмади.

Полиция жиноятчини тезда қўлга олди.

Хориж матбуоти материаллари асосида Н.ТОЖИЕВА тайёрлади.

Ishonch
2008 йил 24 январ
№ 11 (2421)

# Олам ва Одам

Воқеалар
Тафсилотлар
Шарҳлар



## Фавқулодда қўниш

Кеча «Южно-Сахалинск» аэропортига «САТ» авиакомпаниясининг самолёти фавқулодда ҳолатда қўнишга мажбур бўлди. «РИА Новости» хабарига кўра самолёт бортида 17 киши бўлган.

Аэропорт матбуот хизмати ходимларининг сўзига қараганда, ҳодиса маҳаллий вақт билан 10:35 да содир бўлган. Канадада ишлаб чиқарилган DHC-8 самолёти Южно-Сахалинскдан Ноглики шаҳрига чартер рейсини амалга ошираётган эди.

Самолёт ҳавога кўтарилганидан бироз вақт ўтиб, экипаж командири двигателлардан биридан мой оқиб кетганини сезиб қолди. Натижада аэропортга қайтишга қарор қилди. Ҳодисадан ҳеч ким жабрланмаган.





## Ҳинд-Исроил ҳамкорлиги

21 январ куни эрталаб Ҳиндистоннинг Андхра-Прадеш штатидаги Шрихарикала космодромидан PSLV ракета ташувчиси воситасида Исроилнинг «TecSar» разведкачи сунъий йўлдоши орбитага олиб чиқилди. У Исроилнинг «Israel Aerospace Industries» компаниясининг MBT космик бўлинмаси томонидан ишлаб чиқилган. Вазни 300 кг. ни ташкил этади. Сунъий йўлдош кеча-кундуз, ҳатто булутли кунларда ҳам 10 см. аниқликкача суратга олиш имконини берувчи радар қурилмаси билан жиҳозланган.

«TecSar» ҳинд ракетаси ёрдамида орбитага чиқарилган Исроилнинг биринчи сунъий йўлдоши ҳисобланади. Икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида уч йил илгари келишувга эришилган эди. Ҳинд космодромидан яна иккита йўлдошни учириш режалаштирилган.

«France Presse»нинг хабарига қараганда, бу Ҳиндистон тарихидаги иккинчи муваффақиятли тижорат парвозидир. Ҳиндлар 1963 йилдан бошлаб миллий космик дастурини амалга оширишга киришган. Биринчи ҳинд сунъий йўлдоши эса 1980 йили орбитага чиқарилган. 2007 йил апрел ойида улар Италия сунъий йўлдошини учириб, 11 млн. доллар ишлаб олган эди. «TecSar»ни учириш Исроил учун қанчага тушганлиги маълум қилинмаяпти.

## Иш ташлаш таҳдиди

Буюкбританиянинг «Reuters» ахборот агентлиги журналистлари компания фаолиятидаги ўзгаришлар туфайли иш ташлаш ниятида.

AFPнинг хабарига кўра, «Reuters» раҳбарияти компаниянинг тузилишини қайта кўриб чиқишга қарор қилган, аммо бу ҳақда журналистлар билан маслаҳатлашмаган. Оқибатда улар иш ташлашнинг бошланиши бўйича овоз беришни ўтказишни сўраб Буюкбритания миллий журналистлар уюшмаси (NUJ)га мурожаат этган.

«Intersctive Investor»нинг хабар беришича, «Reuters» раҳбарияти компаниядаги ўзгаришлар ходимлар билан тузилган шартномаларга тааллуқли бўлмай, уларнинг иш шароитига ҳам таъсир қилмаслигини айтган. Бундан ташқари улар NUJ билан доимий маслаҳатлашувлар олиб борилаётганини ва бу мулоқот келгусида ҳам давом этишини таъкидлашаяпти.

Ёдингизда бўлса, «Reuters» агентлигининг активларини 2007 йилнинг май ойида Канаданинг «Thomson Corp.» компанияси 17 млрд. доллардан кўпроқ пулга сотиб олган эди. Компанияларнинг «Thomson-Reuters» агентлигига якуний узил-кесил бирлашуви 2008 йил иккинчи чорагининг бошида юз бериши керак.





## Худо берамаи деса...

Бразилия қирғоқларида янги йирик газ кони аниқланиб, унга Юпитер номи берилди. Бразилиянинг миллий «Petrobras» компаниясидан маълум қилишларича, унинг ўлчами мамлакатдаги йирик Тупи конининикидан ҳам катта. Тупи мамлакатда охирги 20 йилда очилган энг йирик кон бўлиб, ундаги нефт миқдори саккиз млрд. баррелга тенг деб ҳисобланади.

Янги кон Тупидан 37 километр узоқликда, денгиз сатҳидан 5100 метр пастда жойлашган. Юпитерда аниқ қанча газ борлигини «Petrobras» ҳозирча ошкор қилмаяпти. У мамлакатда кетма-кет аниқланган учинчи улкан углеводород конидир. Ундан олдин, 2007 йилнинг ноябр ойида Рио-де-Жанейро яқинида Тупи кони очилган эди. Бир ой ўтиб эса Риога қўшни Эспириту-Санту штатида табиий газ ва нефт аралашмасининг йирик заҳираси топилган.

## Фуқаролар хавфсизлигини ўйлаб...



**«Телеграф» нашрининг хабар беришича, Беларус Ички ишлар вазирлиги кийим-кечак ишлаб чиқарадиган барча корхоналарга уларнинг маҳсулотларида фликер-лар – нур қайтарувчи тасмалар бўлиши мажбурийлиги маълум қилди.**

Бу талабни амалдорлар тунги вақтда йўлларда фуқароларнинг хавфсизлигини ўйлаб шундай қилинаётганлиги билан изоҳлашмоқда.

«Беллегпром»нинг етакчи мутахассиси Лариса Нефедованинг айтишича, нур қайтарувчи тасмалар стандарт бўйича махсус кийим-бошлардаги каби тикилиши керак.

ИИВнинг талаби устки кийим-кечакларнинг барча турига жорий қилинади. Қўшимча материаллардан фойдаланилиши муносабати билан кийим-кечаклар тахминан ўттиз минг беларус рубли миқдорида қимматлашади.

## Кения мухолифатининг даъвоси

Кения мухолифати Гаага судига мамлакат ҳукуматига қарши даъво аризасини берди. Рейли Одинги тўқсариқ демократик ҳаракати (ODM) ҳукуматни мухолифатнинг ўтган ҳафтада ўтказилган намойишини куч ишлатган ҳолда тарқатиб юборишда айблаяпти. Натижада ўттиз киши ҳалок бўлган. ODM вакилларининг гапига қараганда, полицияга одамларга қарата ўқ отишга буйруқ берилган. Мамлакат ҳукумати эса бу айбларни инкор этмоқда.

Мухолифатнинг даъвосига жавобан ҳукумат вакиллари ODM аъзолари кикуйю элатига қарши оммавий қирғинни амалга оширганлиги тўғрисида қарши даъво қўзғаш ниятида эканлигини эълон қилишди. Таъкидлаш жоизки, кикуйю мамлакатдаги энг йирик элатлардан ҳисобланиб, Кениянинг ҳозирги президенти Мваи Кибаки ҳам ушбу элатга мансуб. Мухолифат эса асосан аҳоли сони бўйича мамлакатда учинчи ўринда турувчи луо элати аъзоларидан иборат. Ҳукумат ва мухолифат ўртасида ўзаро қарама-қаршилик бошланганидан буён 250 минг киши ўз уйини тарк этишга мажбур бўлган. Мухолифат Мваи Кибакининг иккинчи муддатга президент этиб сайланганини тан олмасдан қайта сайлов ўтказилишини талаб қилмоқда.



## «Прогресс М-61» океанга чўктирилди

«Прогресс М-61» фазо кемаси орбитадаги хизматини ўтаб бўлгач, Тинч океанига чўктирилди. Бу ҳақда «РИА Новости» агентлиги хабар тарқатди.



22 январ куни тунда Москва яқинидаги Королёв шаҳрида жойлашган парвозларни бошқариш марказидан берилган команда бўйича «Прогресс»нинг двигатели тўхтатилди. Москва вақти билан соат 22:52 да унинг атмосферада ёнмай қолган бўлаклари Тинч океанининг кемалар қатнамайдиган ҳудудига қулаб тушди.

«Прогресс М-61» 2007 йилнинг декабр ойида Халқаро космик станция (ХКС)дан ажратилган эди. Шундан сўнг бир ой мобайнида ундан фазодаги илмий лаборатория сифатида фойдаланилди. Хусусан, унинг бортида тажрибалар ўтказилди.

Илгари ҳам ХКСда муддатини ўтаб бўлган «Прогресс»лар илмий полигон сифатида ишлатилган. Масалан, «Прогресс М-60» космик кемасида беш кун мобайнида плазма физикаси бўйича тадқиқот олиб борилган.

Айни пайтда Бойқўнғир космодромида «Союз-У» ракета ташувчиси воситасида «Прогресс М-63» тарнспорт кемасини учиришга тайёргарлик кўрилмоқда. Парвоз шу йилнинг 5 февралига мўлжалланган. Кема ХКСга ёнилғи, озиқ-овқат, кислород ва илмий асбоб-ускуналарни етказиб беради.



# Муштарий минбари
## — Сизнинг минбарингиз

**<u>Кексаларимиз ҳамиша Яратгандан тинчлик, фаровонлик, соғлиқ ва меҳр-мурувват тилаб дуога қўл очади. Элимизнинг энг юксак қадриятларидан бири ҳам унда меҳр-мурувват туйғусининг бошқа халқларга нисбатан кучли эканлигидир.</u>**

# Яхшилик бўлсагина...

*Ўзбекнинг болам деб яшаши бу меҳрнинг бир кўриниши холос. Ота-оналар фарзандларига яхши тарбия бериб, кўча-кўйда таниган ва танимаган кишиларга салом беришни ўргатсалар, албатта, ўртада меҳру муҳаббатнинг илк куртаклари уйғона бошлайди. Айтайлик, фарзандларингиздан бири кўчада кетаётганида ярадор ётган қушчани кўриб қолди. Уни қўлига олиб эркалади. Сўнг уйга олиб келиб, уни парвариш қилди. Қушча тез орада соғайиб, унга ўрганиб қолади. Агар болангиз қушчанинг ёнидан беparво ўтиб кетганида нима бўлар эди?*

*Ким бўлишимиздан қатъи назар ёрдамга муҳтож кишиларни қўлимиздан келганча қўлласак, ота-онамизга шундай фарзандларни вояга етказганлиги учун раҳмат эшитиш қанчалар ёқимли бўлишини хеч тасаввур қилиб кўрганмисиз? Дарахтни ҳар қанча яхши парвариш қилсак, меваси ҳам шунча ширинроқ бўлади. Одамзот фарзанди ҳам шундай, яъни, уни одобли, ахлоқли қилиб тарбиялаган ота-онанинг эртанги ҳаёти ҳам гўзалдир. Агар ўртада меҳр бўлмаса, оқибат кўтарилиши ва оилада тинчлик, хотиржамлик йўқолиши аниқ. Шундай экан, ҳаётимиз тинч бўлиши учун атрофдаги одамларга меҳр кўзи билан қараб, бир-биримизга яхшилик қилишимиз кераклиги бир лаҳза бўлса-да, ёдимиздан кўтарилмасин.*

**Ғайрат ШИРИНОВ**

**<u>Ўзбекка нонни увол қилма дея уқтиришнинг ўзи ортиқча. Очарчилик, уруш ва қамалларни бошидан кечирган халқ нон неъматлар ичида энг улуғларидан бири эканлигини яхши билади. Халқимизда нон билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятлар бор. Улар ҳар бир ўзбекнинг болалигидан буви-ю боболарининг насиҳатлари билан қонқонига сингиб кетган. Узоқ сафарга ёки урушга отланган ўғлонларини нон тишлатиб жўнатиш одати бор бу халқнинг. Айтишларича, нондан бир тишлам тишлаб кетган жангчи ризқини охиригача тугатиш учун албатта қайтиб келар экан.</u>**



# Уволи тутади ахир...

Бироқ кейинги йилларда тўй-маъракаларда кузатилаётган исрофгарчиликлар, ёшларимиз онгига маънавиятимизга ёт кўринишлар кириб келаётгани, қадриятларимизга бефарқлик одамни ўйлантиради.

Хиёбондан ўтаётган бир қиз чала ейилган хотдог бўлагини нозик қўлларига майонез ёки томат пастаси тегмаслиги учун авайлаб ахлат қутисига иткитади ва яна дугоналари олдига қайтиб келиб қўл телефонини мақташда давом этади.

Тўйхонада омборга қайтариб келинган нон бўлаклари-ю чала ичилган овқат қолдиқларига қараб-қараб қўяр экан, омборчи молларига неча кунлик ем чиққанини ҳисоблайди...

«Синглим, хотдогингизни охиригача ея олмас экансиз, уни ўраб бежирим сумкангизга солиб қўйсангиз бўлмайдими? Сиз чайнаётган кулчани топиш учун ота-онангиз қанча меҳнат қилганини биласизми?» дея насиҳат қилиши керак бўлган катталаримиз индамай ўтиб кетаверишади.

Тўй эгаси нонни авайлаб тарқатинг дейишга ийманади. Эллик-эллик беш ёшли маҳалла оқсоқоли эса давра тўрида мастона шеър ўқийди.

*Оғриқ нуқталар*

Маҳалла катталари-ю қариялар, ҳамма оғзига талқон солгандай жимжит. Ҳа, саховатли халқимиз тўй-маъракалардан ҳеч қачон ҳеч нарсани аямаган. Бироқ тўйнинг кўрки тўкин-сочинликда, исрофгарчиликда эмас-ку!

Ҳисобли дўст айрилмас дейдилар. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Тўкин-сочинлик ва исрофгарчилик ўртасидаги фарқ эса айнан ана шу шароитда яққол намоён бўлади. Халқимиз учун бу икки тушунча орасидаги фарқни англаб олиш вақти келмадимикан? Бироқ англаш ва амал қилиш деган тушунчалар ҳам борки, булар энди мустабид тузум даврида қонқонимизга сингиб кетган итоатгўйлик ва эргашиш кайфияти билан узвий боғлиқ бўлса керак. Чунки исрофгарчиликка чек қўйиш муаммоси ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўплаб ибратли мақолалар эълон қилинаётган шароитда ҳам элдан қолмайман йўсинидаги «зўраки пойга» кун сайин кучаймоқда. Биргина мақола ёки кўрсатув билан халқ онгини ўзгартириш қийин, албатта. Лекин, барибир, «кўрпага қараб оёқ узатиш» керакка ўхшайди. Чунки нимани қилсанг хор, шунга бўласан зор деб бежиз айтишмайди.

**У.ИБОДИНОВ**

**<u>Момоларимизнинг ривоят қилишларича, бир замонлар зўр подшоҳ бўлган. Унинг тўртта паҳлавон ўғли дунёнинг тўрт томонини эгаллаган. Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб ота бетоб бўлиб, ҳатто ўрнидан туролмай қолибди. Ўғиллар уни тузатиш учун олиб келмаган табиб қолмабди-ю, ота тузалмабди.</u>**

# Қирққиз



*Афсона*

Машриқу мағриб, шимолу жанубдаги донишмандлар ҳам қолмагач, энг ёши улуғ қарияни топиб:

— Агар отамизнинг тузалишига ёрдам берсангиз, сизга беҳад олтин бериб, отамиз ўрнига шоҳ деб эълон қиламиз, — дейишибди.

Отахон эса: «Менга шоҳлик ҳам, олтинларинг ҳам керак эмас. Лекин савоб учун майли, ёрдам бераман. Аммо олдин отангни кўрай-чи», — деб келиб, отанинг қўл томирини ушлаб кўрибди. Юрагига қулоқ тутибди ва ниҳоят: «Бўлди, отангиз тузалади. Лекин битта шарти бор, билмадим, қўлларингдан келармикан?», — дебди. Тўрт ўғил бирданига:

— Албатта, келади. Айтинг, — дейишибди.

Шунда қария:

— Бир ертўла қурасизлар, унинг қирқ бир зинаси бўлсин. Отангни пастга туширасизлар-да, ҳали турмуш қурмаган, балоғатга етган қирқ битта гўзал қизни зинага қатор қилиб, шуларнинг қўли билан бирин-кетин юқорига чиқарасизлар. Отангиз қирқ биринчисига келганда ўзи юриб кетади. Лекин унга уйланади, — дебди.

Болалар қариянинг айтганини қилишибди. Ота қизларнинг қўлидан қўлига ўтаётиб, кучга кираверади. Натижада қирқ биринчисига етмай ўзи юриб кетади. Тўрт ўғил отани ўша қизга уйлантириб қўйишади. Ҳозиргача шу жой Қирққиз деб аталади. У Паркент туманидаги қишлоқлардан бирида жойлашган.

**Миробиддин ҚУРБОНБОЕВ**

# Замонавий мақоллар

**Хотин-эрнинг уруши, ўрик дарахти илдизининг чириши.**

* * *

**Аёл — бозор чўриси, эркак — рўзғорнинг ошпазу текинтомоқ бўриси.**

* * *

**Бўлса аёл бозорчи, бўлар эркак бекорчи.**

* * *

**Юрамол бўлса аёлинг, оёқ остидадир иқболинг.**

* * *

**Аёлда тилдир заҳар, фойдасиз сепсанг шакар.**

**Эргаш АТОЕВ**



## «МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №____

Фамилиянгиз____________

Исмингиз____________

Отангизнинг исми____________

Туғилган йилингиз____________

Манзилингиз____________

____________

Иш(ўқиш) жойингиз____________

____________

Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?____________

____________



Спортимиз юлдузлари

# Мен бахтли Ўзбекман!

**_Менинг бахтим шундаки, эсимни таниб, Она, Ватан сўзларини айта бошлаганим Истиқлолнинг илк йилларига тўғри келган. 1992 йил, 4 ёшга кирганимда отам ўғлим полвон бўлсин, деб белимга белбоғ, эгнимга яктак кийгизиб, кекса полвонларнинг дуосини олган экан._**



Аслида, бизнинг оиламиз спортчилар оиласи. Отам — Аъзамжон Шокиржонов, дзюдо, самбо, миллий ва белбоғли кураш турлари бўйича қатор мусобақалар ғолиби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий. Онам Клара Шокиржонова — енгил атлетика бўйича Федерациянинг етакчи мутахассисларидан.

Онам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасаррруфидаги енгил атлетикага ихтисослашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида директор лавозимида ишлаган пайтида спортнинг бу турини маҳаллий қизлар орасида кенг ёйишга эътибор қаратган ва бугунда кўплаб қизлар оймни ўз мураббийлари сифатида тилга олишади.

Укам Бобур енгил атлетиканинг найза улоқтириш тури ҳамда белбоғли кураш билан шуғулланади. У Республика Олимпия захиралари коллежида таҳсил олмоқда. Бобур 2007 йилда найза улоқтириш бўйича ўз тенгқурлари орасида Ўзбекистон биринчилиги ғолиби бўлди, катталар ўртасида эса мамлакат кубогига эришди. Шунингдек, белбоғли кураш бўйича ҳам Республика биринчилигида ғолиб чиқди.

Давлатимиз иқтидорли ёшларга мунтазам эътибор қаратиб келади. Ўтган йили укам Бобур «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармасининг спорт грантига сазовор бўлди.

Ўзимга эса ушбу йилда белбоғли кураш бўйича 100 кг. ва мутлоқ вазн тоифасида Ўзбекистон чемпионлиги насиб этди. Белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионатида совриндор бўлдим. Шунингдек, Тошкентда ўтган «Универсиада-2007» баҳсларида бу кураш туридан +90 кг. вазн тоифасида муваффақият қозониш насиб этди.

«Универсиада-2007»да финалдаги рақибим андижонлик Шерзод Раҳимовнинг вазни 134 кг. тош босарди. Меники эса 93 кг. Гарчи рақибимни танисам-да, у билан гиламда рўбарў келмагандим. Шу боисдан, «ҳалол» ғалаба учун кескин ҳаракатлар қилиш ўрнига эҳтиёткорлик билан, техник-тактик усуллар эвазига курашишни лозим топдим. Усулим иш берди. Иккита ёнбош баҳоси билан баҳсни муддатидан олдин якунлашга муяссар бўлдим...

Умуман, юртимизда ўтаётган уч босқичли спорт мусобақаларида қатнашиш ҳар бир ўғил-қизнинг орзуси. Чунки ушбу мусобақалар туфайли эртанги авлод соғлом ва баркамол бўлиб вояга етади. Кўплаб ёш чемпионлар кашф этилади.

Гарчи ҳар бир ютуқнинг ўз ўрни бўлса-да, «Универсиада»даги ғалабам мен учун жуда қадрли.

**Темур ШОКИРЖОНОВ,**
**халқаро тоифадаги спорт устаси, белбоғли кураш бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони**

Футбол

## «Пахтакор» мавсумни яхши бошлади

**_Санкт-Петербург шаҳрида футбол бўйича МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари ўртасидаги анъанавий турнир қизғин паллага кирди._**

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси мусобақанинг «В» гуруҳида учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказди ва чорак финалга йўлланма олди.

Равшан Ҳайдаров шогирдлари биринчи учрашувда Киев динамочиларини 1:0, иккинчи ўйинда Ереваннинг «Бананц» клубини 3:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Учинчи ўйинда эса Белорус чемпиони БАТЭ жамоасига кичик ҳисобда ўйинни бой берди: 1 : 2.

Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасидан қўшилган Акмал Холматов ва Нодир Кўзибоев ҳам чиройли ҳаракатлари билан ғалабаларга ўз улушларини қўшишди.

Кеча турнирнинг чорак финал учрашувларида қуйидаги жамоалар майдонга чиқишди:

| | | |
|---|---|---|
| БАТЭ (Белорус) | — | «Олимпи» (Грузия) |
| «Хазар-Л» (Озарбайжон) | — | «Шериф» (Молдавия) |
| «Пахтакор» (Ўзбекистон) | — | Вентспилс» (Латвия) |
| «Зенит» (Россия) | — | «Каунас» (Литва) |

Умид ғунчалари

**_Андижон вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармасига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «ринг қироллари» таърифини олган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Сергей Михайлов, Тўлқин Турғунов, Темур Тўляков (улар 2000 йилда Сидней олимпиадасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя этган!), Баҳодир Султонов, Зиятдин Тойғонбоев, Қувончбек Тойғонбоев, Қаҳрамон Орзиқуловлар таҳсил олишган. Ўша пайтда мазкур мактабда илк сабоқларни олган болалардан иқтидорлилари Андижон Олимпия заҳиралари билим юртига учирма қилинарди. Бугун ушбу билим юрти Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежиға айлантирилган. Бугун ҳам бу ерда чемпионларнинг муносиб издошлари камолга етмоқда._**

# Чемпионлар қандай «улғаяди?»



### Барибир бокс бошқача

Достон Турдиев 1991 йилда Қўрғонтепа туманининг «Султонобод» қишлоғида туғилган. Бокс билан 10 ёшида мураббий Аҳрор Зияев қўл остида шуғулланишни бошлаган. Ҳозирда Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежида (АОЗСК) Абдувоҳид Жалолов устозлигида таҳсилни давом этирмоқда. 2006 йил ўз тенгқурлари орасида 54 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпионлигига эришди. 2007 йилда эса 67 кг. вазн тоифасида 3-ўрин насиб этди. Энг эътиборли жиҳати, у спорт билан бўлиб, ўқишларини унутиб қўймайди. Рус тили, инглиз тили, математика фанларига қизиқади.

Юртимизнинг етакчи чарм қўлқоп усталари Баҳодир Султонов ва Элшод Расуловларнинг жанг олиб бориш усулларини ёқтиради. Китоб ўқиш, қўшиқ айтишга ҳам қизиқади.

Нияти рақобатда ўзини кўрсатиб, Ўзбекистон терма жамоалари сафига кириш ва жаҳон чемпионати, олимпиада мусобақаларида ғолибликка эришиш.

### Исми жисмига мос

Жасурбек Латипов ҳам Истиқлол тенгдоши. Андижон вилоятнинг Пахтаобод тумани «Уйғур» қишлоғида туғилган. Биринчи мураббийи Абдулҳафиз Эгамов. Ҳозирги кунда коллежда Эркинбой Бойбоевдан бокс бўйича билимларини чуқурлаштиряпти. 2007 йил Абдулҳафиз учун омадли келди. Ўзбекистон биринчилигида 46 кг. вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олган бўлса, Бокуда Ҳайдар Алиев хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда 2-ўринни эгаллади. Мазкур мусобақа ҳақида Жасурбек шундай ҳикоя қилади:

— Биринчи жангда белоруслик боксчини муддатидан олдин мағлубиятга учратдим.

Иккинчи баҳсда россияликдан 10 очко фарқ билан устун келдим. Бироқ финалда ютқазиб қўйдим. Учрашувдан сўнг мураббийим хатоларимни айтиб ўтди. Ушбу хатолар устида ишлаб, олдиндаги мусобақаларга ҳозирлик кўряпмиз.

**_— Сизнингча, ғалабанинг калити нимада?_**

— Машқ чоғида эътиборлироқ бўлиш лозим, деб ҳисоблайман. Яъни, машқларни ақл билан маромига етказсангиз, жангда ғалаба шубҳа қолмайди.

**_— Орзуингиз..._**

— 2012 йил ёшимиз улғайиб, катталар термасига кириш учун етарли бўларкан. Орзуим — 2012 йилги ёзги Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш ва унда зафар қучиш. Олимпиадада ўзимни кўрсатсам, сўнгра профессионал боксга ўтмоқчиман.

### Бўзнинг бўлажак фахри

Бобур Саидалиев 1992 йил Бўз тумани Гулистон жамоа хўжалиги «Ховос» қишлоғида туғилган. Тумандаги спорт залида Ҳусанбой Қурбонов мураббийлигида шуғулланган Бобур айни чоғда спорт коллежида Жасур Қурбоновнинг шогирди ҳисобланади.

Унинг натижалари ҳақида тўхталсак: 11 ёшидаёқ бокс бўйича вилоят чемпиони бўлган. 2007 йилда Ўзбекистон биринчилигининг (1992-94) 52 кг. вазн тоифасида 2-ўрин соҳиби айланди.

«Ховос» қишлоғидан ҳозиргача боксчи чиқмаганди.Шу боисданми, ховослик боксчилар Бобурнинг натижаларини катта қизиқиш билан кузатиб боришмоқда.

«Боксни ташлаб кетма, биздан ҳам чемпион чиқсин», дейишяпти қишлоқ аҳолиси. Бу далда, ишонч ёш Бобурбекни руҳлантириши табиий. Шунинг учун у спортни ташлаб кетмоқчи эмас.

Бобурбекнинг орзуси катта ринглардаги улкан ғалабаларга эришиш.

**_— Залда бирга шуғулланаётган дўстингизга рингда рўбарў келиб қолсангиз, у билан жиддий уриша оласизми? — сўрайман спортчидан._**

— Дўстлик ва рақиблик ҳақида гапирсам, биз боксчилар рингга чиққандагина рақибмиз, бошқа пайтда эса муносабатларимиз дўстона бўлади.



### Машқ, машқ ва яна машқ

Жасур Киргизов 1988 йил Избоскан туманида туғилган. Бокс бўйича илк сабоқларни ўз туманида Аҳмадали Кўчқоровдан олган. Республика биринчилигида совриндор бўлган. 2007 йилги мусобақаларда омади унчалик кулмади. Шунинг учун айни чоғда машқлардан кейин бир-бир ярим соат қолиб, ўз устида ишлаяпти.

Жасур мураббийлар Ойбек ва Нозимжон Ҳайдаров ҳамда Шуҳрат Абдуллаевлардан сабоқ олмоқда. Орзуси — Олимпиадага чиқиш!

### Отасига совға тайёрлаяпти

Дилшод Раҳимов 1989 йилда Чинобод туманида туғилган. У боксга анча кеч кириб келди — 2005 йил. Отасининг боксга бўлган қизиқиши туфайли бокс мактабига қадам қўйди. Биринчи мураббийи Жасур Қурбонов.

Дилшоднинг натижаларига тўхталсак: 2007 йил Ангренда ўтган Республика турнирида 2-ўрин соҳиби бўлди. Бироқ Дилшоднинг орзуси — отасига Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионатлари медалларини совға қилиш. Шу истакнинг ўзи унга куч беради. Қолаверса, таълим олаётган спорт мактабининг довруғи дунёга ёйилган. Булар эса унга қўшимча масъулият юклайди...

Биз қайси спортчи билан суҳбатлашмайлик, улар халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга аҳд қилганини таъкидлайди. Ҳаракатлар дадил. Яқин йилларда бу ёшларимиз каттароқ ғалабалари билан бизни хушнуд этишига ишонамиз.

**Саҳифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади**



# Ҳурматли инсон бўлишни истайсизми?

***Руҳшунослар инсон учун атрофдагиларнинг ҳурматини қозонишнинг бешта усули мавжуд, деб ҳисоблашади.***

***1.*** *Ўзгаларнинг гапларига эътиборлироқ бўлинг, чунки ҳар қандай инсон бошқалар уни тинглашларини истайди.*

***2.*** *Ҳар бир инсондаги яхши сифатларни топишга ва қайд қилиб ўтишга ҳаракат қилинг.*

***3.*** *Ўз хатоларингизни тан олишга ўрганинг, чунки «Мендан хато ўтмайди» деб таъкидлайверадиган инсонлар кўпинча жамоадан ажралиб қоладилар.*

***4.*** *Сабр-тоқатли бўлинг. Агар атрофингиздагиларнинг хатоларига кўз юма олсангиз, улар ҳам сизнинг хатоларингизни кечирадилар.*

***5.*** *Фақат ҳақиқатни гапиришга ўрганинг. Акс ҳолда, сизга ишонмай қўйишади. Ишонч йўқ жойда эса, иззат-ҳурмат ҳам бўлмайди.*

## *Хайрли тонг*

*Саҳарда уйғонганингизда юзингизда турли кўкимтир доғлар ёки шишлар бўлмасин десангиз, уйқуга ётишдан аввал кўп суюқлик ичиш одатини ташланг ва албатта юзингизни махсус тозаловчи воситалар ёрдамида артиб, пардоздан халос қилишни унутманг. Тонгда озгина илиқ сув сепиб, юзингизни «уйғотасиз» ва одатий, юзингизга мос — яхшиси, таркибида ҳимояловчи воситалар, шунингдек, кўк чой, ёғ, Е дармондориси бўлган кремни суртинг. Самарасини, албатта, ҳис қиласиз.*

## *Қимматбаҳо дори*

*Кайфиятингиз бузилганида, кўнглингизни чоғ қилиш учун ўзингизга бирор нарса харид қилиш одатингиз борми? Кўпинча инсонда шундай вазиятлар бўлади. Хафагарчилик, ўз-ўзидан қониқмаслик, ҳафсаланинг пир бўлиши, ишдаги муваффақиятсизликлар — буларнинг бари кўнгилни чўктиради. Шунда ҳар ким бу ҳолатдан ўзича чиқиш йўлини излайди. Баъзи одамларда эса «чиқиш йўли» дўкон ва бозорларда айланиб юриб, «ҳамманинг аламини келтириш учун» янги кийим-бош сотиб олишдан иборат. Айнан шундай инсонлар учун маслаҳат: ШОШИЛМАНГ! Ахир ҳар доим ҳам шундай ҳолатда юрмайсиз. Ёмон кайфиятда харид қилинган либос кейинчалик ўзингизга ёқмай қолиши мумкинлигини унутманг.*

*Иродахон МУХТОР қизи тайёрлади*

# Сканворд




*Бадан доимо ҳаракатда бўлар экан, давога эҳтиёж қолмайди.*
Абу Али Ибн Сино

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

## Судоку

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 6 | | | | 5 | | 2 | |
| | | 9 | | | | 6 | | |
| | 1 | | 2 | 3 | | | | |
| | | 2 | | | | | 5 | |
| 3 | 5 | | 9 | 2 | 1 | | 4 | 8 |
| | 8 | | | | | 3 | | |
| | | | | 6 | 4 | 3 | | |
| | | 7 | | | | | 9 | |
| | 3 | | 5 | | | | 1 | |

## *Жумбоқ*

**1** *Агар матчнинг иккинчи минутида ҳисоб 30:00 бўлса, охирги натижа неча бўлади?*

*Қашша теннис ҳақида гап кетяпти, ўйин сўнгида ҳисоб, масалан, 2:1 бўлиши мумкин.*

**2** *Хомлигида ейилмайди, пишганда ташлаб юборилади.*

*Лавр барги.*

## Қиссадан ҳисса

***Қариб, овга ярамай қолган Шер ҳийла билан ўлжа топишга аҳд қилибди. У бир ғорга кириб, ўзини оғир касалга солиб ётиб олибди. Шер билан видолашиш ниятида ғорга кирган ҳар бир ҳайвон унинг чангалидан қутила олмабди.***

# Фаросатли тулки

Кунларнинг бирида зиёратга келган Тулки Шернинг ёнига кирмай, ғор оғзида тўхтаб қолибди. Буни сезган Шер унга:

— Нега ўйланиб қолдинг, ичкарига кир! — дебди.

— Эй, ҳайвонлар султони! Ғорга кирган ҳайвон излари кўп-ку, лекин бирорта ҳам қайтган из кўринмайди-я?! — деб жавоб берибди.

Қиссадан ҳисса: фаҳм-фаросат, кузатувчанлик кишини кўп фалокатлардан асрайди.

**«Луқмон масаллари»дан**



Кун ботмоқда...

## Кулдиргич

Тезюрар поезд тез-тез тўхтаётганига эътибор берган йўловчи проводникдан сўради:

— Нега яна тўхтадик?

— Рельслар устига сигир ётиб олибди.

— Сигир? Лекин бу бешинчи марта тўхташимиз-ку! Бу ерда сигир шунақа кўпми?

— Бу ўша сигирнинг ўзи. Биз уни яна қувиб етдик.

## Саломатлик

# Саратонга қарши дори

Саратоннинг олдини олиш учун аввало организмни сурункали хасталиклардан эҳтиёт қилиш керак. Масалан, йўғон ичакнинг узоқ вақт яллиғланиши ракка олиб келади. Унинг олдини олишни истасангиз саримсоққа тенг миқдорда сирка ва асал қўшиб ҳар куни истеъмол қилинг. Натижасини тезда кўрасиз.

* * *

Юрак фаолиятини яхшилашда ҳам саримсоқ, асал, сирка аралашмасидан тайёрланган шарқона дорининг фойдаси катта. Бунинг учун бир қошиқ сирка, шунча миқдорда асал ва бир неча саримсоқ бўлакларини бироз сув қўшиб кичикроқ чойнакда қайнатасиз. Тайёр бўлган ҳузурбахш ичимликни кунига уч маҳал икки қошиқдан ичиб юрсангиз юрак фаолиятингиз яхшиланади.

* * *

Тиш оғриганда сирка ва асалга бўктирилган саримсоқ бўлакчаси тиш орасига қўйилади.

* * *

Гипертония хасталигида икки стакан сувга ўн олти бош саримсоқ, икки ошқошиқ сирка ва шунча миқдорда асал қўшиб ярим соат қайнатиб, кунига уч маҳал икки қошиқдан ичиб юрилса, қон босими маромига келади.

* * *

Шамоллаш эндигина бошланаётган бўлса, саримсоқни тиш чўткаси устига қўйиб оғиз ичида икки дақиқа ушлаб туринг. Саримсоқ таркибидаги кучли модда хавфни дарҳол қайтаради.

# Мунажжим башорати

**(28-январ – 3 феврал)**

**ҚЎЙ**

Иш жойингизда катта ютуқ ва муваффақиятларга эришасиз. Дўстларингиз билан алоқангиз янада мустаҳкамланади. Уларнинг қўллаб-қувватлашлари сизни янада тетиклаштиради. Ҳафтанинг иккинчи ярмида саёҳатга чиқинг. Дўстлар орттирасиз. Соғлигингизга эътибор беринг. Руҳан тетик юрасиз.

**БУЗОҚ**

**Ўз кучингизга, меҳнатингизга ишониб ишланг, кунингиз унумли бўлади. Барча ўйлаган режаларингиз амалга ошади. Иш жойингизда катта мукофот эгаси бўласиз. Музокаралар олиб боришга ва шартномалар тузишга бу кун жуда омадли келади. Кўчмас мулк ёинки янги уй эгаси бўласиз.**

**ЭГИЗАКЛАР**

Ҳафта ўз мақсадларингизга эришишингизга жуда қулай. Ўз меҳнатингиз туфайли катта-катта ишлар, ютуқлар эгаси бўласиз. Раҳбарингиз сизни мукофотларга тавсия этади. Орқаваротдан сиз ҳақингизда гап-сўзлар тарқалади. Лекин сиз уларни ўз вақтида, мардона туриб бартараф этасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА**

Ҳафта маданий ҳордиқ чиқариш учун жуда қулай. Бўш вақтингиз ва эътиборингизни фарзандларингизга бағишланг. Сиз атрофингиздаги одамларга жуда ҳам эътиборлисиз. Бу эса романтик учрашувларга, янги дўстлар орттиришингизга сабаб бўлади.

**АРСЛОН**

Ҳафта деярли уй ишлари билан шуғулланишга сарфланади. Яъни таъмирлаш ишларини амалга оширасиз. Эски қадрдонлар билан учрашувлар сизга завқли онларни бағишлайди. Муҳаббат бобида ажойиб учрашув кутилмоқда.

**ПАРИЗОД**

**Иш жойингизда айрим келишмовчиликлар юзага келади. Лекин сиз уларни тезда бартараф этасиз. Берган ваъдаларингизни бажаришга ҳаракат қилинг. Фарзандларингиз билан дам олишга чиқинг. Дам олиш кунларини оила аъзоларингиз бағрида ўтказинг.**

**ТАРОЗИ**

Яхши нарсалар ҳақида ўйланг. Оптимист бўлинг. Бу сизни барча қийинчиликларни, муаммоларни осонгина енгиб ўтишингизга ёрдам беради. Маблағингиз бундан-да кўпаяди. Маданият ва санъатга қизиқишингиз ортади. Фарзандларингизни интеллектуал ривожланиши учун уларга китоблар совға қилинг.

**ЧАЁН**

**Уй-жойингизга эътибор беринг. Рўзғор учун кўп нарсалар харид қиласиз. Рафиқангиз билан ўзаро келишмовчиликлар рўй беради. Маблағ куннинг асосий масаласи бўлиб қолади. Хизмат сафарига чиқасиз. Олдиндан тузилган режаларингиз амалга ошади. Яқинларингиз ҳақида қайғуринг.**

**ЎҚОТАР**

Барча уринишларингиз ўз фойдасини беради. Илм-фан, конференциялар ўтказиш ва номзодлик ишларида бу ҳафта жуда қулай келади. Хизмат сафарларига чиқиш, расмий идораларга ташриф буюриш кўнглингиздагидек бўлади. Раҳбарингиз назарига тушасиз. Спорт билан шуғулланинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ**

Яхши тушлар кўрасиз. Кечқурун хушбўй ҳидлар таратувчи ванна қабул қилинг. Бу сизни зўриқишлардан халос этади. Спорт билан оилавий шуғулланинг. Фарзандларингиз, рафиқангиз соғлиғи ҳақида қайғуринг. Иш жойингизда юқори мансабга эришасиз. Уйқуга кетишдан олдин тоза ҳавода дам олинг.

**ҚОВҒА**

Маблағингиз билан боғлиқ бўлган шартномалар тузишда ҳадиксираманг. Рўзғордаги юмушларингиз дангасалигингиз туфайли кўпайиб кетади. Лекин сиз масъулиятни ҳис қилиб бу муаммони тезда бартараф этасиз. Дам олиш кунларини оила аъзоларингиз билан ўтказинг.

**БАЛИҚ**

**Шартномалар тузиш, чет эллик ҳамкорлар билан ишлаш омадли кечади. Арзимаган хато ишингизни тескарига айлантириб юбориши мумкин. Диққатингизни бир жойга жамлаб иш тутинг. Бу маблағингиз кўпайишига сабаб бўлади. Соғлиғингиз ҳақида қайғуринг. Яқинларингиз даврасида бўлинг.**

## Рассом ҳандаси




Рассом Шавкат МУЗАФФАР

## Йўғ-э...

*Инсон жигаридан бир дақиқада 1,5 литр, бир суткада эса 2000 литргача қон оқиб ўтади.*

## Рубоий

Кечаги кунингни
айламагил ёд,
Эртанг келмай туриб
этма кўп фарёд.
Ўтган, келмаганга
қайғурмоқни қўй,
Қувноқ бўл,
умрингни қилмагил
барбод.

**Умар ҲАЙЁМ**

## Жумбоқ

**Савол: Олманинг ярим палласи нимага ўхшайди?**

*Жавоб: Иккинчи ярмига*

# Изоҳи сиздан...



Емни еб, сувни ичиб,
Ётасану-турасан.
Сутингда барака йўқ,
Менга қараб куласан.

Шу таҳлит давом этса,
Ем ҳам, сув ҳам бермайман.
Ўн литр сут бермасанг,
Ёнингга ҳам келмайман.

**Асадулла МИРЗААКБАРОВ,**
**АТ «Ҳамкорбанк»нинг бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раиси**

Бақироқлар танлови,
Бошланишга оз қолди.
Қани машқни бошладик,
Бузовгинам, кўк «ёлли».

Ғолиб чиқсам, сени ҳам,
Унутмайман билиб қўй.
Хўкиз топиб сенга мос,
Қилиб бергум катта тўй.

**Жавоҳир КОМИЛЖОНОВ,**
**Боёвут тумани**

Кечагина дўст эдик,
Бузилди-ку орамиз.
Бақириб-чақирсак ҳам,
Битмас кўнгил ярамиз.

**Самандар НАЗАРҚУЛОВ,**
**Гулистон шаҳри**

*Нега тинчимни бузиб,*
*Асабимга ўйнайсан.*
*Ем-хашак мўл бўлса-да,*
*«Мў»рашингни қўймайсан.*

*Билсанг, бақириш бўлса,*
*Сендан ҳам ўтказаман.*
*Сутинг камайганини,*
*Қассобга етказаман.*

**МОҲИНУР,**
**Қибрай тумани**

От ёлига ўхшайди,
Пешонангдаги «пўстак».
Овозингни эшитган,
Тахмин қилади — «эшак».

**Фарҳод ПИРМАНОВ,**
**Самарқанд вилояти**





Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - У.Яъкубов
Мусаҳҳиҳ - Ш.Абдусамадов

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов

Буюртма Г—15 Тиражи: 19326

Босишга топшириш вақти - 21.30
Топширилди -

Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8